

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАҢЛАР ФАКУЛЬТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**Юлдашев Ойбек Абдужалил ўғли**

**Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти**

5120300 – «Тарих» (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**



**Иш раҳбари:**

**катта ўқитувчи Мўминов Х.**

**Андижон - 2015**

## **МУНДАРИЖА**

<b>Кириш .....</b>	<b>3-7</b>
<b>1. Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти.....</b>	<b>8-27</b>
<b>2. Олимнинг илмий мероси .....</b>	<b>28-45</b>
<b>3. Абу Али ибн Сино ва ҳозирги замон.....</b>	<b>46-50</b>
<b>Хулоса.....</b>	<b>51-53</b>
<b>Иловалар.....</b>	<b>54-61</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>62-64</b>

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон замини нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олиму-уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин тарихчилар олдида юртимиз тарихини илмий асосда холисона ўрганиш зарурати давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунда долзарб муаммолардан бири сифатида - ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаш ва уни янада камол топиши учун кенг имкониятлар очиш керак эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «...Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки ўзингизга маълум, советлар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мустақил тараққиётга қадам қўйганидан буён ўтган йиллар давомида маънавий соҳада юз берган ўзгаришларнинг энг муҳими, халқнинг узоқ йиллар мобайнида тўплаган бой тарихий-маънавий меросига эътиборнинг кучайиши бўлди. Президент И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудини холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди»<sup>2</sup>. Демак, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қудратини ошириш билан бир қаторда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998. –Б.3-4.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б. 140.

аждодларимиз тарихи ва меросини мукаммал ўрганиш орқалигина миллий ўзликни англашимиз ҳамда Ватанимизни дунёдаги юксак даражада ривожланган давлатлар сафида кўришимиз мумкин.

Маълумки, IX-XII асрларда Ўрта Осиёда юз берган Уйғониш даврида дунё илм аҳли орасида маълуму машхур бўлган сиймолардан бири қомусий олим Абу Али ибн Сино яшаб ижод қилди. Бу аллома нафақат ўз замонасининг, балки келажакнинг ҳам буюк мутафаккири сифатида тарих зарварақларидан муносиб ўрин олди. У яратган тиббиёт, фалсафа, астрономия, адабиёт, тарих ва илоҳиётга оид ўнлаб асарларда ундан олдин яшаб ижод этган алломаларнинг илму ирфон махсуллари нафақат бойитилди, балки янгича талқинда, янги илмий ютуқлар қўшилган ҳолда келгуси авлодга мерос қолдирилди. Шу боис ҳам Ибн Синонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, шунингдек, унинг бебаҳо илмий мероси шу кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмай, нафақат Ватани - Ўрта Осиёда, балки бутун дунё илм аҳли орасида ўқиб-ўрганилиб, қадр ва эъзоз топиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб бу мавзунинг ўрганиш зарурати юзага келди. Мавзунинг долзарблига ҳам шу билан белгиланади.

**Мавзу ўрганилган даражаси** масаласида тўхталадиган бўлсак, улар кўйидагилардан иборат. Қомусий олим Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда унинг илмий мероси асосий манба ҳисобланади. Маълумки, олимнинг мероси 450 дан ортиқ асарларни ташкил этади. Бу асардан 242 таси бизгача етаб келди. Ундан қолган бой мерос Шарқ ва Ғарб маданияти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг асарлари XII асрдан лотин тилига таржима қилиниб, Европа университетларида ўқитилди. Ибн Сино қаламига мансуб асарларининг фалсафий, бадий, тиббий ва бошқалари хорижда ва юртимизда нашр этилди<sup>1</sup>.

Мавзу бўйича мавжуд бўлган кўплаб манба ва адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, буюк табиб, таниқли файласуф олим ва шоир

---

<sup>1</sup> Ибн Сино. Тайр қиссаси. Фалсафий қиссалар. –Т.: 1963; Тиб қонунлари. 1-5 китоблар [2-нашри]. –Т.: 1979-1983; Саломон ва Ибсол. –Т.: 1980; Уржуза ёки 1326 байт тиббий ўғит. –Т.: 1999. ва бошқалар.

Ибн Синонинг мураккаб ҳаёт йўли, илмий фаолияти совет давридан бошлаб тадқиқ қилина бошланган. Айниқса, XX асрнинг 80 йилларида олимнинг илмий меросини ўрганишга қизиқиш билан катта эътибор берилган. Бу даврда мавзуга оид кўплаб адабиётлар, мақолалар ва бошқалар манбалар нашр этилади. 1980 йилда Абу Али ибн Синонинг туғилганлигига 1000 йил тўлади. ЮНЕСКО Бош конференцияси XX сессиясининг қарорига биноан (Париж, 1979 й.) жаҳон жамоатчилиги бу санани кенг нишонлайди. Юбилей собиқ Иттифокда ҳам ажойиб маданият байрами сифатида кутиб олинади, жумладан, Тошкентда илмий конференция ўтказилади. Мазкур конференциянинг материаллари асосида мақолалар тўплами чоп этилган<sup>1</sup>. Бу даврда кўплаб олимлар Ибн Сино ижодини ўрганишга маълум ҳисса қўшдилар, хусусан, А. Қодиров, А. Ирисов, С. Раҳимов, М. Хайруллаев ва бошқаларни бунга мисол қилиш мумкин.

А. Қодиров 1953 – 1962 йилларда «Абу Али ибн Сино» номли китобларини чоп этди<sup>2</sup>. У асарлари олимнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир маълумотларни тўлдирибгина қолмай, у ҳақида илгари баён қилинган баъзи фикрларга кўпгина аниқликлар ҳам киритилиб, Ибн Синонинг турли фикр ва қарашлари ўз аксини топган.

Мавзуни ўрганишда ибн-синошунос олим А. Ирисов асарлари<sup>3</sup> диққатга сазовордир. Унинг асарларида Ибн Синонинг таржимаи ҳоли ва бадиий ижодининг муҳим қирраларига оид қимматли маълумотлар жамланган. С. Раҳимовнинг «Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида» номли асари<sup>4</sup> олимнинг таълим-тарбия соҳасидаги фикрларини бир тизимга солинган махсус китоб ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Абу Али Ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Мақолалар тўплами. –Т.: Фан, 1980.

<sup>2</sup> Қодиров А. Абу Али ибн Сино. –Т.: Ўздавнашр, 1953; Ўша муаллиф. Абу Али ибн Сино. Қайта ишланган 2-нашри. –Т.: Ўздавмеднашр, 1962.

<sup>3</sup> Ирисов А., Носироа А. ва Низомиддинов Н. Ўрта Осиёлик қирқ олим. –Т.: Ўзфанакаднашр, 1961; Ўша муаллиф. Ибн Сино - маърифатпарвар адиб. –Т.: 1962; Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳоли. Арабчадан А. Ирисов таржимаси. –Т.: Фан, 1980; Ўша муаллиф. Абу Али ибн Сино. –Т.: 1980; Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий дoston. Тузувчи А. Ирисов. –Т.: 1981; Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳоли. Шеърлар. Тиббий дoston (Уржуза). Сўзбоши А. Ирисовники. –Т.: 1981.

<sup>4</sup> Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида. –Т.: Ўқитувчи, 1967.

М. Хайруллаев «Уйғониш даври ва Шарқмутафаккири»<sup>1</sup> номли асариди Ўрта Осиёда юз берган уйғониш даври ва бу заминдан етишиб чиққан буюк мутафаккир олимлар, жумладан, ибн Сино ҳақида қизиқарли маълуматлар берилган. Ушбу адабиётлар ғоявий жиҳатдан коммунистик руҳида ёзилган бўлса ҳам уларда берилган маълумотлар ва материаллар мавзунини таҳлил қилиш ва ёритишда муҳимдир.

Абу Али ибн Синонинг портретини ва унинг таржимаи холи ўрганишда У.И. Каримовнинг масъул муҳаррирлигида нашр этилган адабиётларни айтиш лозим<sup>2</sup>.

Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолиятини, ўнинг илмий меросини ўрганиш борасида мустақиллик йилларида ҳам муҳим изланишлар амалга оширилиб, кўплаб асарлар, рисола ва илмий мақолалар чоп этилди<sup>3</sup>. Масалан, А. Отахўжаевнинг рисоласида машҳур алломанинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида сўз боради. Унинг мураккаб ҳаёт йўли, илмий фаолияти рисолада ишончли манбалар асосида қизиқарли, содда тарзда ёритилган. Шу билан бирга бир неча адабиётларда олимнинг ҳаёт йўли ва ижоди қисқача маълумотлар билан берилди<sup>4</sup>.

Айни пайтда турли истиқлол йилларида нашр этилган ўқув кўлланмалар ва дарсликларда, жумладан, Р. Муртазаева, Қ. Усмонов ва Р. Шамсутдиновлар қаламига мансуб адабиётлар<sup>5</sup>да Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти юзасидан талабалар ва барча китобхонлар учун қизиқарли маълумотлар берилиб, бу соҳада изланишлар давом этмоқда.

<sup>1</sup> Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқмутафаккири. –Т.: 1971.

<sup>2</sup> Ибн Сино портрети / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1957; Абу Али ибн Сино таржимаи холи / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1980.

<sup>3</sup> Мажидов Н.М. Абу Али Ибн Сино неврологияси. –Т.: 2002; Абу Али ибн Сино. Саломатлик сирлари. Тиббий рисола. –Т.: 2000; Абу Али ибн Сино (рисола) / А. Отахўжаев; лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир Қ.К. Ражабов. –Т.: 2011; Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. ва бошқалар.

<sup>4</sup> Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислоҳ маданияти. Қисқача маълумотнома / Масъул муҳаррир Н. Иброҳимов. / -Т.: Шарқ, 2005; Гадоев К. Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар: Буюк географ тадқиқотчилар ва сайёҳлар ҳақида. –Т.: Ўзбекистон, 2011; Дунё. Сиёсат. Жамият (Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр). –Гулистон: Зиё, 2014. –Б.77.

<sup>5</sup> Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003; Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. -T.: Iqtisod va moliya, 2006; Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 / Mas'ul muharrir: A. Sagdullayev. – T.: Sharq, 2010; O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; mas'ul muharrir S. Inoyatov. –T.: Sharq, 2013.

Мавзуга оид маълумотлар излаб топишда Internet-халқаро тармоқнинг қуйидаги веб-манзиллари муҳим аҳамият касб этади:

1. <http://www.ziyouz.uz/jahon-nasri/abu-ali-ibn-sino>
2. <http://e-tarix.uz/shaxslar/140-ibn-sina.html>
3. <http://tib.islom.uz/maqolalar/367-maqola.html>
4. <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qollanmalar/tasavvuf-nazariyasi-tarixi/877-qollanma.html?start=12>
5. <http://uz.ferlibrary.uz/abu-ali-ibn-sino>
6. <http://uza.uz/oz/society/ibn-sino-merosi-beba-o-khazina-09-03-2015>
7. [http://bukhara-museum.narod.ru/Russian/his4\\_0/his4\\_1\\_18.html](http://bukhara-museum.narod.ru/Russian/his4_0/his4_1_18.html)
8. <http://buxdti.uz/tematik/tematik1/sino/sino21.htm>

## 1. Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти.

Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти воқеаларга жуда бойдир. У гоҳ вазир даражасига кўтарилиб, гоҳ қашшоқлик ва дарбадарликда кун кўриб кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Лекин, шунга карамай фан, фалсафа, тиббиёт (медицина) ва маданиятнинг турли соҳаларида ўлмас асарлар яратди. У айниқса тиб илми соҳасида катта шуҳрат қозонди. Табиблар уни ҳақимлар отахони «Шайхурраис» деб атадилар. Ғарбда Авиценна номи билан машҳур.

Жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўртаосиёлик буюк комусий олим Ибн Синонинг тўлиқ исми (исми араб манбаларида) - Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али<sup>1</sup> бўлиб, у милодий сана ҳисобида 980 йил август ойида (370 йили сафар ойида) Бухоро яқинидаги Афшона (ҳозирги Бухоро вилояти Ромитон тумани ҳудудида) қишлоғида Абдуллоҳ ибн Али хонадони туғилган<sup>2</sup>.

Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ зиёли, ўқиган, билимдон киши бўлиб асли Балх шаҳридан бўлган. У сомонийлар амири Нух ибн Мансур (967-997) даврида Бухоро томонига кўчиб, Хурмайсан (Хурмитан) қишлоғига молия амалдори этиб тайинланади. У Афшона қишлоғида Ситора исмли қизга уйланиб икки ўғил фарзанд кўради. Ўғилларининг каттаси Ҳусайн (Ибн Сино), кенжаси Маҳмуд эди. 985 йилда Ҳусайн 5 ёшга киргач, ибн Синолар оиласи пойтахт - Бухорога кўчиб келади<sup>3</sup>.

Бу даврда Бухоро Ўрта Осиёнинг сиёсий, илмий ва маданий марказларидан бири ҳисобланар эди. Ҳусайннинг ёшлиги ва йигитлик даври ҳам сомонийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврига тўғри келади. Юқорида айтилганидек, ибн Синонинг отаси ўз замонасининг билимдон кишиларидаи бўлиб, илм-фанни кадрлар эди. У Бухорода ўз ўғли - Ҳусайннинг ҳам ўқимишли бўлиши учун кўп ҳаракат қилди. Шу мақсадда

<sup>1</sup> Абу Али Синонинг арабча тўлиқ исми: أبو علي الحسين بن عبد الله بن سينا

<sup>2</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; mas'ul muharrir S. Inoyatov. -T.: Sharq, 2013. -B. 136.

<sup>3</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. -Т.: ЎзМЭ, 2002. -Б.53.

у ўғлини ўша давр бошланғич мусулмон мактабига ўқишга беради. Ибн Сино жуда ёш чоғидаёқ ўткир зеҳни ва илмга бўлган зўр қобилияти билан хаммани хайратда қолдирган. 10 ёшга етар – етмас Ибн Сино Қуръон ва адаб дарсларини тўла ўзлаштиради.

Татар файласуфи, маърифатпарвари Қаюм Посирий ўзининг «Абугалисино» китобида олимнинг мактабда ўқиб юрган даврини халқ томонидан яратилган афсоналардан келтириб тасвирлаган. «Ўша даврда мактабларда парта бўлган эмас, ўқувчилар ерга тўшалган шолча ёки чипта, бўйралар устида ўтириб ўқиганлар. Бир куни Абу Али ибн Синонинг синфдош ўртоқлари унинг зийраклиги, кузатувчаилиги ва қобилиятини синаб кўриш мақсадида ўтирадиган жойдаги шолчанинг тагига бир варақ қоғоз қўйиб, жуда қизиқиш билан нима бўлар экан деб кутиб ўтирганлар. Ҳеч нарсадан хабари бўлмаган ибн Сино, одатдагидек, ўз ўрнига келиб ўтиргани ва гоҳ шипга, гоҳ пастга қарай бошлаган. Ундан сўратанлар: «Нима бўлди сенга? У ерда нимани кўряпсан?» « - Ўзим ҳам тушунмай қолдим ёки мактабнинг шипи пастга тушган, ёки пол юқорига кўтарилган, хуллас, бирор воқеа бўлган» деб жавоб берибди.

Ибн Сино 12 ёшларидаёқ ҳар томонлама билимдон бўлиб етишган ва ҳар хил фанлардан ўзи машғулот олиб борган. Ўзидан катта ёшдаги болалар келиб ундан таълим оладиган бўлган. Тушки овқатгача у болаларни ўқитган, машғулотдан кейин ўз талабалари билан ҳар хил ўйинларда қатнашган. Баъзи бир одамларга Ибн Синонинг бундай хатти-ҳаракати ёқмаган ва улар: « – Сен билимдон ва ақлли, ўзинг болаларга ҳар хил фанлардан билим берасан-у, яна улар билан ҳовлида қўшилиб ўйнайсан, деганлар», Ибн Сино бундай танқидий мулоҳазага: « – Инсон ҳаётининг ҳар бир даври ўзининг гўзаллигига эга. Болаликнинг хусусияти эса – ўйин»<sup>1</sup> деб жавоб берган.

---

<sup>1</sup> Қаюм Носирий. Абгалисино. Татар давлат нашр., 1952. -Б.5-6; Қаранг: Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида. –Т.: Ўқитувчи, 1967. –Б.8-9.

Ибн Сино оилада мактабдагига нисбатан тамомила бошқача шароитда тарбияланган. Турк ёзувчиси Иброҳим Огоҳ Чубукчининг маълумотиغا қараганда, асли турк оиласидан бўлган ибн Синонинг отаси ниҳоятда ўқимишли киши эди. У «Ихвон ас-Сафо» рисолаларини ва Исмоилия мазхабининг дунёқарашларини севарди<sup>1</sup>. Унинг уйига билимдон, эркин фикр юритувчи кишилар тез-тез келиб туришар, ҳар хил илмий баҳслашишлар олиб борилар эди. Улар дунё воқеаларига, давлат ҳаётидан ташқари қадим тарих, фалсафа, мантиқ, тиббиёт, ҳандаса, ҳисоб илми, фалакиёт соҳасида бир-биридан қизиқарли суҳбатлар, баҳс-мунозаралар қилишарди. Ёш Ҳусайн уларнинг суҳбатини тинглар экан, кўп нарсаларни ҳали англаб етмаса-да, суҳбатлар асносида кечаётган баҳсларни жону дили билан эшитарди. « – Улар, - деб ёзади Абн Сино, – фалсафа, ҳандаса (геометрия) ва ҳинд ҳисоби ҳақида ҳам суҳбатлашар эдилар»<sup>2</sup>. Ибн Сино ёш бўлса ҳам, ҳар хил фанлар соҳасида уйида олиб бориладиган суҳбатларни диққат билан тинглади ва уқиб олишга ҳаракат қилди. Ибн Сино ўзи ёзиб қолдирган таржимаи ҳолида «...Лекин уларнинг фикрига қўшилгим келмасди» деб ёзган. Ибн Сино бошланғич мусулмон мактабини тамомлагач, отаси уни дунёвий фанлардан маълумотли қилиш мақсадида алоҳида ўқитувчилар қўлида таълим олишини афзал кўрди. Шу мақсадда отаси Ибн Синони ҳинд ҳисобини биладиган бир кўкфурушда ўқитган. Ибн Сино ундан ҳинд ҳисобини ўрганган. Айни вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади. Кейин Бухорога келган файласуф Абу Абдуллоҳ Нотилийни ўз уйига таклиф қилган. Нотилийга қадар ёш Ҳусайн Исмоил Зоҳиддан фикҳ (ислом қонуни) илмини бир қадар ўрганган эди<sup>3</sup>. Нотилий унга III аср файласуфи Порфирийнинг «Мантиқ муқаддимаси» - «Исағучи» деган китобини ўрганади<sup>4</sup>. Шу аснода ёш Ҳусайн мантиқ илмини англай бошлади. Сўнгра Ҳусайн юнон олими Птолемейнинг

<sup>1</sup> Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 / Mas'ul muharrir: A. Sagdullayev. – T.: Sharq, 2010. –B.228; Қаранг: Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990 йил 10 август.

<sup>2</sup> Ирисов А. Ибн Сино - маърифатпарвар адиб. –Т.: 1962. –Б.33.

<sup>3</sup> Абу Али ибн Сино таржимаи ҳоли / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1980. –Б.7.

<sup>4</sup> Ирисов А., Носироа А., Низомиддинов Н. Ўрта Осиёлик қирқ олим. –Т.: Ўзфанакадашр, 1961. –Б. 30.

астрономияга оид «Алмажиста» китобини кўлга олди. Кириш қисмидан геометрик шаклларга ўтганда Ноталий «ўқиб, уларни мустақил ишла...» деди. Ҳусайн ҳар бир шаклни ўрганиб, устозига баён қилиб бера бошлади<sup>1</sup>. Бироқ Ибн Сино кўп вақт ўтмасдан ўз устозидан ўзиб кетган. У ўз таржимаи ҳолида: «у (Ноталий) мендан қайси масалани сўрамасин, мен бу масалани ундан кўра дурустроқ тасаввур қилардим»<sup>2</sup> деб ёзган эди. Ноталий ўз шогирдининг анча илгарилаб кетгани ва унга ортиқ билим беришга қодир эмаслигини ҳис қилиб, Абдуллоҳ хонадонини тарк этишга аҳд қилди. Уни йўлга кузатар экан, Абдуллоҳ ўғлига берган сабоқ эвазига отларидан бирини олиб кетишини сўради. Айни шу кунларда Бухоро нотинч бўлиб, ташқи ва ички сиёсий аҳвол оғир эди.

Ибн Сино 16 ёшдан бошлаб, барча фанлар соҳасида мустақил мутолаа қила бошлади. Бу даврда у кундузлари тинмай, кечалари ухламай китоб ўқишга киришади. «Бу кезларда бирон кеча ҳам бутун тун давомида ухламас эдим, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим... Кечкурунлари, олдимга чироқни қўйиб олиб, то уйқу босгунча ўқиш ва ёзиш билан банд бўлардим... Ухлаётган вақтимда ҳам ўша ўнгимдаги масалаларни кўрардим. Шу тахлитда кўп масалалар тушимда менга аён бўлар эди. Шундай қилиб, ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим, инсоннинг қобилияти имкон берар даражада улардан хабардор бўлдим»<sup>3</sup> – дейди Ибн Сино.

Олим тиб (табобат) илмини жуда эрта ўрганишга киришади. Бу соҳада ўша вақтдаги йирик табиблардан бўлган бухоролик Ҳасан ибн Нух ал – Қумрий (тўлиқ номи Абу Мансур ал – Ҳасан ибн Нух ал – Қумрий) унга таълим берган. У ёш Ҳусайнга ўзида бор билимини, табобат сирларини умрининг охиригача, яъни 999 йилгача сидқидилдан ўргатди. Бу даврда ёш олим тибга оид жуда кўп китобларни ўқиб чиқди, айниқса қадимги дунёнинг машҳур табиблари Гиппократ ва Гален асарларини, ўзидан

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино (рисола). -Т.: 2011. –Б.8.

<sup>2</sup> Ирисов А. Ибн Сино - маърифатпарвар адиб. –Т.: 1962. –Б. 33-34.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 34-бет.

илгари ўтган ва замондошлари бўлган шарқ табибларининг меросини чуқур ўрганди. Ибн Сино ўзининг таржимаи ҳолида тиб илмини ўрганишдаги муваффақиятлари ҳақида тўхталиб: «Тиб қийин илмлардан эмас, шу сабабдан, мен қисқа муддат ичида бу соҳада шундай ютуқларга эриша олдимки, ҳатто фозил табиблар ҳам келиб, мендан тиб илмини ўрганадиган бўлдилар»<sup>1</sup> - деб ёзган эди.

Ибн Сино тиб соҳасида ўз билимини ошириш мақсадида фақат китоблар ўқиш билан чегараланиб қолмай, ҳар хил тажрибалар ўтказар ва касалларни даволаш учун янги хил дорилар излаб топар эди. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи бундай дсб ёзган эди: «..У вақтда мен тиб илмини ўрганишга киришдим ва беморларни кўздан кечириш ва текшириш йўли билан ўз билимимни мукамаллаштира бордим. Бунинг натижасида мен китобларда ёзилмаган кўпгина даволаш усуллари билиб олдим»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Ибн Сино одамларни бепул даволашга киришди ва кўп ўтмай, бу соҳада катта муваффақиятларга эришди. Шу боис 17 ёшидаёқ Бухоро аҳли Ҳусайнни Ибн Сино номи остида, машҳур табиб сифатида таний бошлади. Унинг шуҳрати шу қадар ошиб кетадики, юқори лавозимдаги кишилар ҳам унда даволана бошлайдилар. Бу даврда нотинчликлар, тахт учун курашлар натижасида Сомонийлар давлатининг 33 ёшли амири Нуҳ ибн Мансур (976-997) оғир хасталикка учраган. Кўпчилик сарой табибларининг маслаҳати билан ёш олим Сомонийлар хукмдорининг саройга тақлиф қилинади. Унинг муолажасидан бемор тезда соғайиб, оёққа туради. Бу билан амирнинг зўр ҳурматига сазовор бўлган Ибн Сино ўзининг хизмати эвазига амирдан сарой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат сўрайди.

Бухоро саройининг кутубхонаси ўша замондаги кўп олимларнинг нодир китобларига жуда бой эди. Ибн Сино дам олиш, ухлаш ва ҳатто овқат қилишни ҳам унутиб қўйиб, кеча-кундуз кутубхонада қолиб кетади.

---

<sup>1</sup> Ирисов А. Ибн Сино - маърифатпарвар адиб. –Т.: 1962. –Б.35.

<sup>2</sup> Қодиров А. Абу Али ибн Сино. Қайта ишланган 2-нашри. –Т.: Ўздавмеднашр, 1962. –Б.7.

Кутубхонадаги ҳаёти ҳақида Ибн Сино бундай деб ёзган эди: «... Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикҳга оид [асарлар] турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар [тўпланган эди]. Кейин биздан олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан керакларини талаб қилдим. У ерда шундай китобларин кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Ўзим ҳам уларни бундан аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим. Шу билан ҳар бир муаллифнинг илмдаги даражасини билиб олдим.

Ёшим ўн саккизга борганда бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим. Ўша кезларда илмни кўпроқ ёдда сақлаб қолар эдим, ҳозир эса илмим кўпроқ етилган, аммо билим — битта ва ўшандан бери менда янги бир нарса қўшилгани йўқ»<sup>1</sup>. Бу кутубхонада ибн Сино бир муддат ўқиб-ўрганиш ишлари билан машғул бўлди. Бироқ кутубхонага ўт кетиши натижасида нодир китоблар йўқолган.

Ибн Сино тиб илмини мукамал эгаллаб олгач, фалсафани мустақил суратда чуқур ўрганишга киришди. Лекин, Абу Али ибн Синонинг ўзи ҳикоя қилишича, у Аристотелнинг «Метафизика» китобини қирқ марта мустақил ўқиб чиққан, ҳаттоки бу асарнинг барча жумлалари ёд бўлиб қолган, аммо асарнинг туб мазмунига тушуниб ета олмаган. Бу китоб мазмунига тушуниб бўлмас экан, деб уни ташлаб қўйган. Кунларнинг бирида китоб бозоридан ўтиб кетаётганида китобфурушлардан бири Ибн Синога битта китобни жуда мақтаб «Бу китобни ол, нархи арзон – уч дирҳам, эгаси пулга муҳтож» деган. Ибн Сино олиб қараса, Абу Наср Форобийнинг Аристотель «Метафизика»сига ёзган шарҳи экан. Ўша китобни ўқиб чиққандан кейин Аристотелнинг «Метафизика» асарининг

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино таржимаи холи / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1980. –Б.11.

мазмунига тўла тушунганлигини ёзган эди<sup>1</sup>. Демак, Ибн Синонинг Аристотель фалсафасини тушунишда буюк мутафаккир Форобийнинг роли жуда катта бўлган. Бухорода унинг ўша даврдаги барча фанларни эгаллашига катта имконият бор эди. Бунинг натижасида Ибн Сино ўша замонда маълум бўлган ҳамма билимларни мукамал ўзлаштириб олди.

Ибн Сино ўзининг ёшлик ва йигитлик даврини Бухорода ўтказди. Бу даврда Бухородаги ҳаёт эса хануз саросимали ва ваҳимали эди. 34 ёшли Нух вафот этиб, ўрнига 19 ёшли ўғли Мансур тахтга чиқди. 17 ёшигача бу воқеаларнинг кўпига шахсан гувоҳ бўлган. Аммо тақдир уни хоразмлик замондоши, улуғ аллома ва мутафаккир Абу Райхон Беруний билан яқинлаштирди. Икки ўртада ёзишмалар бошланди. Беруний Урганчда яшаган даврда Ибн Сино билан ёзишма олиб борган. Бизгача уларнинг савол жавобларидан 18 таси етиб келган<sup>2</sup>. Аксарият мактублар фаннинг турли соҳалари, айниқса, фалсафа, математика ва астрономия масалаларига оид эди. Чунки Ибн Сино бу фанларга Аристотель қарашлари асосида, Беруний эса Демокрит қарашларига таяниб баҳо берарди. Шу боис мусоҳабалар қизиқарли ва жиддий кечарди.

Абу Райхон Беруний ёш замондоши Ибн Синони фаннинг турли соҳаларидан сўроққа тутарди. Жумладан: «Нима учун Аристотель ва бошқа олимлар дунёнинг олти томони бор деб ҳисоблайдилар? ...Ахир шарсимон жисмнинг томонлари йўқку?» деган саволга Ибн Сино: «Файласуфлар аниқлаган олти томон узунлик, чуқурлик ва кенгликлар билан белгиланган. Уларнинг ҳар бирида икки томон бор, бу эса олти томонга тенг. Шарнинг томонлари йўқ дейиш нотўғри, унинг ҳам узунлиги, кенлиги ва чуқурлиги бор» деб жавоб берган. Жавоблар сўнггида Ибн Сино замондоши Берунийга қарата шундай ёзади: «Сен томонингдан менга берилган саволларга жавобларим шу. Уларда агарда бирор тушунмовчилик топсанг, менга шараф кўрсатган бўласан, чунки

---

<sup>1</sup> Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида. –Т.: Ўқитувчи, 1967. –Б.12.

<sup>2</sup> Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.199-200.

уларни тушунтириш учун яна менга мурожаат қиласан. Мен тезда жавоб ёзиб сенга юборишга ҳаракат қиламан». Беруний эса бу ўспириннинг дадил, айна чоғда мантиқий жавобларидан баъзан қониқиш ҳосил қилди, баъзида эса фикрларини таҳлил қилиб кўрди. Ўртадаги илмий баҳслар ҳаётдаги дўстликка путур етказмади. Бу даврда ўзбек халқининг икки буюк алломаларидан бири 17, иккинчиси 24 ёшда бўлиб, уларнинг иккиси ҳам илм оламига кириб келаётган навқирон ва зукко йигитлар эди<sup>1</sup>.

Ибн Сино зарурий билимларни ўз устозларидан ташқари маънавий устозлари бўлган юнону рим, ҳинду форс, турку хитой салафларидан ҳам ўрганди. Айниқса, замонасининг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний билан ёзишмалари унинг фикр доирасини кенгайтириб, масалага таҳлилий ёндашишни ўргатди. Бухоро муҳити ва Нуҳ ибн Мансур кутубхонасида олган билимлари ҳосиласи сифатида Ибн Сино 18 ёшидан дастлабки илмий ишига қўл урди. У Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурга бағишлаб, нафсоний қувватлар ҳақида рисоласини, «Уржуза» тиббий шеърини асарини, қўшнисини ва дўсти Абул Ҳусайн Арузийнинг илтимоси билан турли фан соҳаларини қамраб олган «Ал-ҳикмат ал-Арузий» - «Арузий ҳикмати» асарларини яратди. Бундан ташқари, бошқа бир дўсти фақиҳ Абу Бакр ал – Барқий (ёки Барақий)нинг илтимосига кўра, 20 жилдли «Ал–ҳосил ва-л-маҳсул» («Яқун ва натижа») қомусий асари ҳамда 2 жилдли «Китоб ал-бир ва-л-исм» («Саҳоват ва жинойт китоби»)ни ёзди<sup>2</sup>.

Биз кўриб чиқаётган давр сиёсий тарихи ўзига хос хусусиятларга эга эди. Бу вақтда икки сулола яъни Қорахонийлар ва Сомонийлар тарих саҳнасида ҳукмронлик учун кураш олиб бормоқда эди. Мамлакатдаги бундай беқарорлик фан арбобларининг фаолиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас эди. Қорахонийлар 999 йил Бухорони забт этиб, сомонийлар давлатини ағдарганидан кейин Ибн Сино ҳаётида нотинч ва оғир дамлар бошланди. Бунинг устига, 1002 йилда Ибн Синонинг отаси

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино (рисола). -Т.: 2011. –Б.10-11.

<sup>2</sup> <http://uz.ferlibrary.uz/abu-ali-ibn-sino>

Абдуллоҳ вафот этди. Ибн Сино укаси билан 1005 йилгача Бухорода яшади. Сомонийларнинг сўнгги умиди бўлган Исмоил II Мунтасир ҳам жанглarning бирида 1005 йили ҳалок бўлди. Бухорода Қорахонийлар давлатининг ҳукмронлиги бошланди. Энди Бухорода тинч ижод қилиш мумкин эмаслиғни сезган Ибн Сино уни ташлаб, Хоразмга — Гурганж (Кўхна Урганч)га кўчиб кетишга қарор берди.

Маълумки, Мовароуннаҳрда X асрнинг охирида бўлиб ўтган воқеалар Хоразм ўлкасига таъсир қилмади, чунки у қорахонийлардан анча йироқда эди. 995 йил Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммад ибн Ироқ Африғийлар сулоласига барҳам беради. Кат шаҳрини босиб олиб, пойтахтни Гурганчга кўчириб, ўзини хоразмшоҳ деб эълон қилади. Унинг ворислари Али ибн Маъмун (997-999) ва айниқса, Маъмун ибн Маъмун (999-1017) даврида Гурганж анча кенгайиб, унда маданият ва санъат равнақ топди.

Маъмун ибн Маъмун замонасининг билимдон олимларига эътибор билан қарайди ва уларнинг илмий изланишларига кенг имкониятлар яратишга ҳаракат қилди. Бу пайтда унинг қароргоҳи – Майдонсарой Сомонийлар давлатидаги нотинчликлардан ыйналган кўплаб олимлар тўпланадиган илмий марказга айланди. Шу тариқа Маъмун ибн Маъмун томонидан Гурганжда *«Дорул ҳикма ва маориф»* (баъзи бир манбаларда «Мажлиси уламо») номини олган илмий муассаса асос солинди. Шуни айтиш лозимки, тарихий манбаларда мазкур академиянинг қачон ташкил топганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Бироқ олимлар илмий изланишлар орқали уни 1004 йилда ташкил топган деб айтмоқдалар. XVIII - XX аср тарихчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар бу даргоҳ ўз даврининг академияси бўлганлигини исботлади. Шу асосда унга шартли равишда *«Хоразм Маъмун Академияси»* деб ном берилди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Хоразм Маъмун академияси (Хорезмская академия Маъмуна). Китоб-альбом. Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган. -Т.: Шарқ, 2005.

Хуллас, Хоразм Махмуд Ғазнавий томонидан 1017 йилда босиб олингунга қадар, мустақил давлат эди. Бу ерда ҳунармандчилик анча таракқий этган, чет давлатлар билан савдо алоқалари кучайган бир давр эди. Ёш олим Абу Али ибн Синонинг Хоразмга етиб келишига дўсти Абу Ал Бакр Барқий ёрдам берди. 1005 йилида Али ибн Маъмун саройига Бухородан Абу Али ибн Сино келади. Ўз таржимаи холида Абу Али ибн Сино қуйидагиларни ёзган эди: «...кейин зарурат юзасидан Бухорони тарк этиб, Гурганж томонга кўчишимга тўғри келди. У ерда илми севувчи Абу-л-Хасан ас-Саҳрий вазир эди. У ернинг амири хузурига кирдик. Амир Али ибн Маъмун эди. Мен учун менга ўхшаганларга бериладиган миқдорда ойлик тайин қилишди»<sup>1</sup>. Ибн Сино йирик математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ (1034 йилда вафот этган), атоқли табиб ва файласуфлар Абу Саҳл Масихий (1010 йилда вафот этган), Абу-л-Хайр Хаммор (942-1030), Абу Райҳон Беруний ва шу қабила фаолият кўрсатаётган илмий даврага («Мажлиси уламо») қўшилди. Ибн Синонинг Хоразмда яшаган даври унинг ҳаёти ва ижодида энг яхши даврлардан ҳисобланади. Унинг бу ерда машҳур олимлар билан учрашиши, улар билан суҳбат ва илмий мунозараларда қатнашиши янада фойдали мактаб бўлди. Хоразмда Ибн Сино асосан, математика ва астрономия билан шуғулланди. Бу соҳалардаги билимларининг чуқурлашиб, илмий дунёқарашининг шаклланишида Ибн Ироқ ва Абу Райҳон Беруний билан бўлган илмий мулоқотлар катта аҳамият касб этди. Абу Саҳл Масихийнинг тиббий тажрибаси ва билимларидан ҳам катта сабоқ олди. У ўзининг иккита энг йирик асарлари бўлган «Тиб қонунлари» ва «Шифо берувчи китоб»ларининг асосларини яратди.

Шу билан бирга Ибн Сино ўз илмий ижодини давом эттириб, Хоразмшоҳ вазири Абул Ҳусайн ас-Саҳлийга билан дўстлашади ва унга атаб кимёга оид «Рисола ал-иксир» - «Иксир ҳақида рисола» асарини ёзди. Айниқса, Арузийнинг илтимосига кўра, ёниб кетган Сомонийлар

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино таржимаи холи / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1980. –Б.12-13.

кутубхонаси фонди баёнини яратди. Ёш аллома 17-20 ёшлар орасидаёқ 24 жилддан иборат китобларни ёзиб улгурган эди. Шуларнинг 22 таси Барқий кўлида қолгани боис улардан ҳеч ким кўчирма ололмаган, деб хабар беради Ибн Али Усайбийя. Мазкур рисоаларнинг аксарияти кимё соҳасига оид эди. «Рисола ал-иксир» асарида эса Ибн Сино кимёвий йўл билан олтин ёки кумуш олиш мумкин эмас, деган хулосага келади. Ибн Макуланинг маълумотига кўра, Ибн Сино ўз дўсти Барқийга бағишлаб бир неча рисоалар ёзган бўлиб, улар орасида «Наврўз байрами муносабати билан, абжад тартиби жойлашувига нисбатан йўриқ» номли рисола ҳам бор эди. Бу асар абжад тартиби асосида ўзига хос мураккаб алифбо яратишга бағишланган<sup>1</sup>.

Бироқ Ибн Синонинг бу ердаги сермахсул ижодий ишлари кўпга бормади. Юқорида таъкидланганидек, 1017 йилда Ғазна ҳукмдори Султон Маҳмуд Хоразмни босиб олди. Шундай қилиб Хоразм давлати ўз мустақиллигини йўқотди. Маҳмуд Ғазнавий Хоразм шоҳи номига хат ёзиб, у ерда бўлган барча йирик олимларни Ғазнага, унинг саройига юборишни талаб қилди. Хоразмшоҳ барча олимларни йиғиб, уларга Маҳмуддан келган хатни ўқиб эшиттирди. Шоҳ Маъмун олимларга мурожаат қилиб, уларнинг Ғазнага, Маҳмуд саройига бориш-бормаслиги ҳар кимнинг ўз ихтиёри эканлигини, лекин кимки Маҳмуд Ғазнавий саройига боришни хоҳламас экан Хоразмда қолиши мумкин эмаслигини айтади. Бу хатга жавобан Беруний ва Абу-л-Хаммор Ғазнага кетадилар. Ибн Сино эса бу тақлифни рад этиб, 1010 – 1011 йилларда яширинча Хоразмдан махфий равишда чиқиб, Хуросоннинг Журжон шаҳри томон йўл олди.

Бундан хабар топган Маҳмуд Ғазнавий рассом Абу Наср бин Арронга Ибн Синонинг портретини ишлаш ва бошқа рассомларга эса шу портретдан 40 нусха кўчиртириб, қўшни давлатларга юборишни буюрган<sup>2</sup>. Шу вақтдан олимнинг саргардонлик йиллари бошланиб, умрининг

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино (рисола). -Т.: 2011. –Б.13.

<sup>2</sup> Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. Икки томлик. Т.1. –Т.: Ўқитувчи, 1986. –Б.179.

охиригача, яъни 37 йил ўз ватандан узоқда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади. Берунийнинг илтимоси билан унга асли журжонлик бўлган, Қорақум бўйлаб бир неча бор сафар қилган Масихий ҳамроҳлик қиладиган бўлди. Ҳамроҳлар ҳамкасблар бўлиб, улар табобат илмида ҳамкор ва ҳамфикр эдилар. Ибн Сино Масихийнинг табобатга оид маърузаларида бир неча бор катнашган, ундан кўп нарсани ўрганган эди. Бу, биринчидан, табобатга фан сифатида қарашга ва билимни кадрлаб, инсонпарвар бўлишга ўргатди. Масихий Гиппократ ғоясини «Фақат табобатни биладиган табиб табобатни билмайди. Яна ... инсонни севиш керак» шиори сифатида тарғиб қиларди. Қолаверса, Масихий ёш Ибн Сино сиймосида ноёб иқтидор, зукко ақл ва ўз ишига фидойи олимни кўриб, бу йигитни кадрлар эди. Шу боис унинг Хуросонга бехатар етиб олишида Беруний илтимосини бажону дил қабул қилди.

Улар Қорақумни карвонсиз кесиб ўтишга мажбур эдилар. Танланган йўл Сариқамиш ботқоғидан бошланиб, Қорашўр тузлиги орқали Ўзбойнинг қуруқ ўзанига чиқарди, бу ерда Борса - келмас қумликларидан ўтиб, Деҳистон томон бориларди. Бу йўл Каспий бўйидаги Абасқўн портига олиб чиқарди. У ердан Журжонга бир кунлик йўл эди. Аввал жанубга - Заунғуз Қорақумига, у ердан Дарвоза қумлигидаги Эרבанд кудуғига ва яна жанубга - Баҳордак кудуғи томонга юрилди. Бу манзилдан Нисога (ҳозирги Ашхобод яқинида) бир қадам эди. Бу шаҳар қумлар ўртасидаги нажот гўшаси ҳисобланарди. Бироқ Масихий узоқ йўл ва хасталик оқибатида Нисога 18 км қолганида вафот этган<sup>1</sup>.

Ибн Сино ўз сафарини давом эттириб, аввал, Нисо, сўнг Обивард, Тус, Шиққон ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларида қисқа муддат турганидан кейин, ниҳоят, Каспий денгизининг жануби-шарқида жойлашган Журжон амирлигига етиб келади<sup>2</sup>. Ибн Сино Журжон (Гўргон арабча Журжон – Эрондаги шаҳар)да 2 йил, яъни 1012 – 1014 йилларда

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино (рисола). -Т.: 2011. –Б.14.

<sup>2</sup> <http://uz.ferlibrary.uz/abu-ali-ibn-sino>

яшайди. Унинг бу ердаги ҳаёти қисман осойишта ўтди. Илмий фаолияти самарали бўлган давр эди. Бу ерда «Тиб қонунлари», «Шифо» ва «Нажот» асарларининг асосий қисмларини ёзиб тамомлади. Лекин шу қисқа вақт ичида унинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири – Абу Убайд Жузжоний билан учрашув ва бир умрга дўстлашув содир бўлади. У Ибн Синога нафақат шогирд, балки содиқ дўст ҳам эди. У устози билан биргаликда ижод қилиб, олимнинг сўнгги дамигача, 25 йил давомида бирга бўлади. Ибн Сино таржимаи ҳолининг ёзилиб қолиши, кўпгина асарларининг таърифи ва тартибга тушиши ҳамда уларнинг кейинги авлодларга келишида Жузжонийнинг хизмати катта.

Бундан ташқари, Журжонда Ибн Сино яна бир яқин инсони - Шерозий билан учрашди. Шерозий Журжондаги бообрў кишилардан бўлиб, илм-фаннинг қадрига етарди. У ўз уйига ёндош бир уйни сотиб олиб, Ибн Синони ўша ерга жойлаштирди. Аммо Ибн Сино ва Шерозийлар қайси вазиятда танишганлари ҳақида маълумот йўқ. Шерозий олиб берган хонадонда Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарини ёзишни давом эттирди<sup>1</sup>.

Журжондалиқ вақтида Ибн Сино ҳам илмий ижод билан шуғулланди, ҳам табиб сифатида фаолият кўрсатди. Бу ерда у шогирдининг илтимосига кўра, мантиқ, фалсафа ва бошқа фанларга оид бир нечта рисола ҳам ёзган. 1014 йил олим Журжонни тарк этиб, 1015 йилда Райга кўчди<sup>2</sup>.

Ибн Сино Райга келган вақтида бу ерда бувайҳийлардан бўлмиш Маждуддавла Абу Толиб Рустам (997-1029) ва унинг онаси Саййида Хотун хукмронлик қилар эдилар<sup>3</sup>. Бу ерда Ибн Сино савдoyи дардига чалиниб қолган Маждуддаврани даволади ва шу сабабли салтанат тепасида турган Саййиданинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди. Лекин олимнинг бу ердаги тинч ҳаёти бузилади. Чунки Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Райга

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино (рисола). -Т.: 2011. –Б.18.

<sup>2</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; mas'ul muharrir S. Inoyatov. -Т.: Sharq, 2013. -Б.138.

<sup>3</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. –Т.: ЎзМЭ, 2002. –Б.53.

хам хужум қилиш хавфи бор эди. Шу боис Ибн Сино Райни тарк этиб, Ҳамадонга ўтган.

Ибн Сино Ҳамадонда ҳам ўзининг ижодий иши билан шугуллана бошлади, касалларни муваффақиятли даволади, хусусан, Ҳамадон амири Маждуддавланинг акаси Шамсуддавлани (997-1021) оғир ошқозон касаллигидан даволагач, олим жуда катта ҳурматга сазовор бўлди. Ибн Синонинг ҳар томонлама билимга эга бўлган қобилиятли киши эканлигини сезган амир уни ўзига вазир қилиб тайинлади. Бироқ бу ерда аскарларга бериладиган маошнинг озайтирилишида Ибн Сино айбдор деб, унга бўҳтон қилдилар. Аскарлар Ибн Синонинг уйига бостириб кириб, мол-мулкни таладилар ва ўзини эса қамадилар. Улар ҳокимдан Ибн Синони қатл қилишни талаб этдилар. Аммо ҳоким бунга кўнмади. Фақат Ибн Синони вазирлик вазифасидан четлаштирди. Олим қамоқдан чиқиб, қирқ кун бир кишиникида бекиниб ётди. Лекин, кўп ўтмасдан, амирнинг яна ошқозони оғриб қолди ва Ибн Синони ахтариб топтирди, ундан кечирим сўраб, яна вазирлик лавозимига тайинлади<sup>1</sup>. Хуллас, у 1019 - 1021 йилларда Ҳамадонда вазир лавозимида хизмат қилди<sup>2</sup>. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай илмий ишларини ҳам давом эттиради ва қатор асарлар яратади. Баъзи маълумотларга кўра, «Тиб қонунлари»нинг 1 – китобини тугатиб, ўзининг машҳур фалсафий қомуси – «Китоб аш-шифо»ни ҳам шу ерда 40 ёшларда ёзишга киришади. «Тиб қонунлари»нинг қолган қисмини ҳам Ҳамадонда ёзиб битиради.

Ўз вазири Ибн Синога ҳукмдор Ҳамадон амири Шамсуддавла «Подшолик номуси» унвонини берди. Чунки амир Шамсуддавла турклар ва қурдлар орасида қолган бўлиб, Ибн Синонинг маслаҳатларига муҳтож эди. Ўзаро урушлар, нотинчликлар, ғалаёнлар Шамсуддавлани хасталантирди. Курдлар исёнини бостириш учун Қермоншоҳ томон йўлга чиққан Шамсуддавла йўлда 1021 йили вафот этди<sup>3</sup>. Ибн Сино

---

<sup>1</sup> <http://orbita.uz/ibn-sino>

<sup>2</sup> <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qollanmalar/tasavvuf-nazariyasi-tarixi/877-qollanma.html?start=12>

<sup>3</sup> Абу Али ибн Сино (рисола). -Т.: 2011. –Б.22.

Шамсуддавла ўрнига амир бўлиб қолган ўғли Самоаддавла даргоҳида қолишни хоҳламади ва яширинча Исфаҳон амири Алауддавла Душманзорга (1007-1041) уни ўз саройига ишга олишни сўраб, хат ёзиб юборди. Лекин Ҳамадон амирлиги Ибн Синонинг Исфаҳон амирига хат ёзганлигини сезиб қолиб, «давлатга қарши хиёнат»да айблади. Натижада олимни Фараджон қалъасига қамади. Бу пайтда Ибн Сино 42 ёшда эди. Ибн Сино қамоқда ётган жойида ҳам илмий иш билан шуғулланди. Масалан, бу ерда Ибн Сино ўзининг машҳур асарларидан бири «Ҳайй ибн Яқзон» («Уйғоқ ўғли тирик») номли аллегорик асарини ёзган. Ҳайй ибн Яқзон - бу Семурғ тимсоли бўлиб, инсонни Ҳақ томон саёҳат қилишга чорларди. Яна қамоқхонада ўтириб, «Саломон ва Ибсол» асарини қоралади. Бу асар қайтиб келмаслик, ўлим орқали саёҳат қилиш рисоласи эди. Бундан ташқари, «Тайр қиссаси» («Қушлар қиссаси») рисоласи орқали ўз васиятини баён қилди. Укаси Маҳмудга бағишлаб яна бир васиятнома - «Тақдир ёки назар» асарини ёзиб қолдирди<sup>1</sup>. Орадан тўрт ой ўтгач, Исфаҳон амири Алауддавла Ҳамадонни босиб олади ва Ибн Синони ҳибсдан озод этади<sup>2</sup>.

1023 йилда Ибн Сино зиндондан озод бўлгандан кейин Исфаҳонга кўчиб ўтади<sup>3</sup>. Исфаҳон ҳукмдори Алоуддавла Ибн Синога бош вазирлик вазифасини топширади. Улуғ донишманд бу ерда ҳам давлат ишлари билан бир қаторда илгаригидек илмий машғуллотларни давом эттиради. Баъзи маълумотларга кўра Ибн Сино раҳбарлигида бу шаҳарда катта бир расадхона (обсерватория) қурилган<sup>4</sup>. Ибн Синонинг Исфаҳонда яшаган даври — умрининг ўн тўрт йилдан ортиқроқ давом этган энг сўнгги давридир. Бу ерда ҳам Ибн Сино амирнинг буйруғи билан ҳар жума куни илмий мунозаралар ўтказиб, ўзи унда актив иштирок этди ва бир қанча асарлар яратди. Улар орасида тиб, фалсафа, аниқ фанлар, тилшунослик

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино (рисола). -Т.: 2011. –Б.23.

<sup>2</sup> Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида... –Б.15-16.

<sup>3</sup> Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. Қисқача маълумотнома / Масъул муҳаррир Н. Иброҳимов. / -Т.: Шарқ, 2005. –Б.123.

<sup>4</sup> Қодиров А. Абу Али ибн Сино. –Т.: 1953. –Б.15.

каби фанларга оид китоблар бор. Ибн Синонинг таржимаи холида Исфаҳондаги илмий ижоди бўйича бундай маълумотлар келтирилади: «... Исфаҳонда Шайх\* «аш-Шифо» китобини тугатиш билан банд бўлди ва «Мантик» билан «ал-Мажистий»ни гамомлади. Бунгача эса Уқлидус (негизлар)нинг қисқартмасини ва арифметика ҳамда мусиқа ҳақидаги қисмини ёзиб тамомлаган эди». Жузжоний Исфаҳонда устозининг «Китоб ал-Алоий» асарини ҳам ёзиб тугатганлигини айтиб ўтган<sup>1</sup>.

Ибн Сино яшаган даврда Шарқ мамлакатларида, хусусан Ўрта Осиёда халқ оммасини илм-маърифатли қилишга ҳеч қандай эътибор берилмас эди. Мавжуд мактаблар эса халқ талабини қаноатлантира олмас эди. Лекин у даврда шогирдлик системаси ва мустақил суратда илм ўрганиш кенг тарқалган бўлиб, диннинг илмий билимлар тарқалишига қанчалик тўсқинлик қилишига қарамасдан, буюк мутафаккирлар, маърифатпарвар кишилар ўз ташаббуслари билан билим олишга интиланган ёшларга ҳар хил йўллар билан таълим берардилар. Ибн Сино ҳам, бошқа йирик мутафаккирлар каби, феодаллар, руҳонийлар таъқибидан қочиб, қайси бир мамлакатга, шаҳарга бормасин, у ерда ўзига яқин шогирдлар тўплаб, уларга ҳар хил фанлардан таълим берди. Масалан, Ибн Синонинг Исфаҳонда яшаган давридаги кун тартибини унинг ўқувчиларидан бири куйидагича тасвирлайди: «у (Ибн Сино) жуда эрта турар эди ва «Шифо» китоби юзасидан икки-уч варақ ёзгандан кейин, тонг ёриши билан ўқувчиларини ва мени ўз ҳузурига таклиф қилар эди. Эрталаб биз билан машғулот ўтказгач, уйдан чиқишимиз билан унинг олдида даволаниш учун келган юзлаб беморларни учратар эдик. Ибн Сино уларни тушгача қабул қилиб, кейин улар билан ўтириб овқатланар эди»<sup>2</sup>.

Нафисий ўзининг «Авиценна» деган асарида Ибн Сино кўлида таълим олган, XI асрда яшаган бир қанча олимларнинг номларини тилга олади. Булардан: Абу Убайд Жузжоний, Мансур Ҳусайн ибн Муҳаммад,

---

\* «Шайх» - деб, Ибн Синонинг шогирди Жузжоний ўз устозини мурожат қилган.

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино таржимаи холи / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1980. –Б.21-22.

<sup>2</sup> Климович Л. Светоч науки и культуры // «Дружба народов» журнал. 1952. № 3. –С.253.

ибн Умар Исфаҳоний, Муҳаммад Шерозий, Аҳмад Маъсумий, Абу ал Ҳусейн Бахмаёр ибн Марзбан - Мажусий, ибн Юсуф Айлаки, Абул Қосим ибн Абу Содик, Умар Ҳайём ва бошқалар<sup>1</sup>.

Олимнинг мазкур шогирдлари орасида Ибн Синога энг яқин, умрининг охириги дамларигача бирга бўлган, унинг ғояларини тинмай халққа тарқатган шогирдларлари Абу Убайд Жузжоний ва Абу ал-Ҳусейн Бахмаёр бўлган. Юқорида Жузжоний ҳақида айтиб ўтилган эди. Бахмаёр Ибн Синонинг энг қобилиятли ўқувчиларидан бири бўлган. У Озарбайжон халқининг XI асрда кўзга кўринган файласуфи ва маърифатпарвари эди. Бахмаёрнинг илмий мероси соҳасида тадқиқот ишларини олиб борган олимларимиздан бирортаси ҳам унинг қачон туғилганлиги тўғрисида аниқ маълумот бера олмайди. Фақат битта маълумот борки, Бахмаёр усчтози Ибн Сино вафотидан сўнг 30 йил яшаган. Шунинг учун ҳам Бахмаёр тўғрисида илмий-тадқиқот ишини олиб борган озарбайжонлик олим А.Қ. Закуев ўзининг «Бахмаёрнинг фалсафий қарашлари»<sup>2</sup> асарида уни 1066 йилда вафот этган, деган хулосага келади. Лекин унинг қаерда вафот этганлиги ҳалигача аниқланган эмас. Бахмаёрнинг Ибн Сино билан қандай танишганлиги ва қандай қилиб унинг шогирди бўлиб олганлиги тўғрисида халқ томонидан яратилган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган афсоналардан бирида қуйидагилар айтилган: «Кунларнинг бирида Ибн Сино бир темирчи устахонасида темирчи билан суҳбатлашиб ўтирар экан. Битта ёшгина бола келиб, темирчидан уйида ўчоққа олов ёқиш учун бир дона чўғ беришни илтимос қилиб сўрабди. Темирчи: «Чўғни нимада олиб кетасан, бирорта идишинг борми?» деб сўрабди. Бола узоқ ўйланиб турмасдан, икки кўлининг кафтини тупроққа тўлдириб, «Марҳамат, чўғни мана шу тупроқ устига қўйсангиз» деб жавоб берибди. Бу воқеани кузатиб турган Ибн Сино боланинг ҳозиржавоблиги, ақлининг ўткирлигидан ҳайратда қолиб, шу онда болага мурожаат қилиб: «Ўқишни хоҳлайсанми?» деб сўрабди.

---

<sup>1</sup> Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида... –Б.16.

<sup>2</sup> Закуев А.Қ. Бахмаёрнинг фалсафий қарашлари. -Боку: 1958.

Бола ўқишни хоҳлашини билдирибди ва Ибн Синога ўқувчи бўлишга розилик билдирибди»<sup>1</sup>. Ана шу вақтдан бошлаб, Бахмаёр билан Ибн Сино ўртасида энг яхши, мустаҳкам муносабат пайдо бўлган. Бу муносабат йиллар ўтган сари янада тараққий этиб борган, чунки Ибн Сино бир шаҳардан иккинчи бир шаҳарга ўтиб, хаёти жуда қаттиқ хавф остида бўлган вақтларда ҳам Бахмаёр уни ташлаб кетмаган. Улар доимо биргаллашиб, фан ва фалсафанинг турли масалалари юзасидан фикр олишиб турганлар. Ўша даврда яшаган тарихчилар улар ўртасида жуда кўп баҳслашишлар, савол-жавоб бўлганлигини кўрсатадилар. Тарихчи Бейхакийнинг кўрсатишича, «Ибн Сино ўзининг кўпгина асарларини Бахмаёр билан бирга муҳокама қилиб ёзган»<sup>2</sup> деб кўрсатади.

Абу Али ибн Сино илмий ижодий ишлар билан бир қаторда вазир сифатида давлат ишлари билан ҳам машғул эди. Шундай бўлса-да, у сарой хаётининг дабдабаларини унчалик ёқтирмас эди. Шунинг учун Алоуд Давла томонидан инъом этилган қимматбаҳо бир совғага у илтифотсиз қарайди. Бу эса Алоуддавлага ҳақоратдек туюлади ва Ибн Сино унинг ғазабига дучор бўлади. Алоуддавла Ибн Синони ҳатто ўлдириш ҳаракатига тушади. Бундан воқиф бўлган Ибн Сино Исфаҳондан қочади. Ибн Сино бир қанча вақт Рай шаҳрида (ҳозирги Техрон яқинида) яширин ҳолда яшайди. Кўп ўтмай Алоуддавла унинг «гуноҳидан» кечиб Исфаҳонга таклиф этади ва ўзининг асоссиз ҳаракати учун узр сўраб Ибн Синони ўз вазифасига тайинлайди<sup>3</sup>.

Исфаҳон бу вақтда Ироқ ҳукмдори Масъуд (султон Маҳмуднинг ўғли)га қарам вилоят эди. Алоуддавла Исфаҳонни Ироқдан ажратиш ва мустақил ҳукмдор бўлиш ҳаракатига тушади. Бундан дарғазаб бўлган Масъуд Алоуддавлага қарши юриш бошлайди. Бу тўқинишда халқ бошига тушадиган оғир мусибатларни олдиндан кўрган Ибн Сино ҳар икки ҳукмдор ўртасидаги низони бартараф қилиб, уларни бир-бирлари билан

---

<sup>1</sup> Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида... –Б.17.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 17-18-бетлар.

<sup>3</sup> Қодиров А. Абу Али ибн Сино. –Т.: 1953. –Б.15-16.

яраштиради ва урушнинг олдини олади. Бу билан Ибн Сино ўзининг фақат улуғ олим бўлибгина қолмай, балки узоқни кўра оладиган тажрибали давлат арбоби эканлигини ҳам кўрсатади.

Ибн Синони узоқ вақт қувғин остига олган султон Маҳмуд 1030 йилда вафот этади. Ибн Сино энди тўхтовсиз қувғинлардан қутилгандек бўлади. Аммо, кўп ўтмай, унинг бошига янги ташвишлар туша бошлайди. Султон Маҳмуднинг ўрнига ўтирган ўғли Масъуд Абу Сахл деган кишини Ироққа ҳоким қилиб тайинлайди. Алоуддавла билан Ироқнинг янги ҳукмдори Абу Сахл ўртасида жанжал чиқиб уруш бошланади. Абу Сахл Алоуддавлани енгиб бир қанча вақт Исфаҳонни ишғол қилиб туради. Абу Сахл аскарлари шаҳар аҳолисини талаб, кейин ўт қўядилар. Бу талон-торож вақтида Ибн Синонинг ҳам кўп қимматбаҳо буюмлари — китоб ва кўлёмалари йўқолади. Шаҳар Абу Сахл аскарларидан озод қилингандан кейин Ибн Сино ўзининг йўқолган асарларини қайтадан ёзади.

Алоуддавла ўз ўрнига ўтиргандан сўнг ўч олиш мақсадида Ироққа қарши уруш бошлайди ва Ибн Синони ўзи билан бирга боришга мажбур қилади. Узоқ қувғинлар ва чексиз қийинчиликларии бошидан кечирган Ибн Сино бу вақтда ўз соғлиғини йўқотиб, заифлашиб қолган ҳамда меъда-ичак касаллигига йўлиққан эди. У ўзининг хасталигига қарамай, Алоуддавланинг буйруғи билан Ойзаж шаҳрига жўнашга мажбур бўлади.

Йўлда Ибн Синонинг касали жуда зўрайиб, у бутунлай ҳолдан кетади. Бунинг устига Ибн Синога хизмат қилаётган кишилар душманлик билан унга дорини кўп бериб заҳарлаб қўядилар. Ибн Сино Исфаҳонга оғир аҳволда олиб келинади. Бу ерда олимнинг ўз кўрсатмаси билан тайёрланган дори-дармонлар унинг дардини бир оз енгиллаштиради. Аммо, у, батамом тузалиб кетмайди. Бу касаллик сўнгги вақтда яна зўрайиб кетади ва 1034 йилда бошланган бу касаллик 1037 йил 18 июнда, яъни ҳижрий 428 йил рамазон ойида 57 ёшли Ибн Синони ҳаётдан олиб кетди<sup>1</sup>. Олим Ҳамадонда (Эрон) дафн этилади. Унинг қабри устига 1952

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 203.

йил мақбара ишланган (меъмори Х. Сайхун). Мақбара Ибн Синога бағишланган музей хоналарини ҳам ўз ичига олади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; mas'ul muharrir S. Inoyatov. –T.: Sharq, 2013. –B.139.

## 2. Олимнинг илмий мероси.

Замондошлари Абу Али ибн Синони «Шайх ар-раис» («донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи»); «Шараф ал-мулк» («ўлка, мамлакатнинг обрўси, шарафи»), «Хужжат ал-ҳаққ» («ростликка далил»); «Ҳаким ал-вазир» («донишманд, тадбиркор вазир») деб атаганлар. Ғарбда комусий олимга «Олимлар подшоси» деган ҳурматли унвон бериб, «Авиценна» номи билан машҳурдир. Жаҳон фани тарихида Ибн Сино комусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган.

Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавоҳарлал Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг очилиши» деган асарида Ўрта Осиё олимлари, мутафаккирларини тилга олар экан, фан тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган Ибн Сино номини алоҳида таъкидлаб: «Улардан энг машҳури, «врачлар подшоҳи» деган номни олган бухоролик Ибн Сино (Авиценна)дир»<sup>1</sup> деган эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, энциклопедист олим ҳаётининг кўп қисми дарбадарликда ва қувғинликда ўтди. Аммо бу қувғинлар, муҳтожлик, қамоқ жазолари буюк олимнинг иродасинн бука олмади. У қандай шароитда бўлмасин илмий машғулотларини давом этдирди. Умрининг кўп қисми дарбадарликда ўтишига қарамай, Ибн Сино кишини ҳайратда қолдирадиган даражада кўп ва ажойиб илмий мерос қолдирган.

Олимнинг илмий меросига тўхталадиган бўлсак, у асарларини ўша даврда Яқин ва Ўрта Шарқнинг илмий тили бўлган араб тилида, баъзилари (шеърий ва айрим фалсафий асарлари)ни форс тилида ёзган. Ҳозирги замон илм фанида олим кўпроқ буюк табиб, тиббиёт илмининг султони сифатида таништирилади. Лекин тарихий манбалар ва ўрта аср мусулмон шарқи илм фанига доир асарлар билан танишсак, Ибн Синонинг фаолияти ва илмий ижоди қамрови анча кенг эканини кўрамиз. Ибн Сино ўз даври

---

<sup>1</sup> Дж. Неру. Открытие Индии. –М.: 1956. –С.243.

олимларининг аксариятига тегишли бўлган сифат – қомусий аллома бўлган. Яъни, ўз даврида маълум ва оммалашган бўлган барча фанларни ўзлаштирган ва уларнинг барчаси билан бир вақтда шуғуллана олган. Буни Ибн Синонинг илмий ижодига мансуб 450 дан ортиқ асарларнинг илм фаннинг 29 та соҳасини қамраб олиши мисолида ҳам кўриш мумкин<sup>1</sup>. Афсуски, улардан бизнинг давримизгача фақат 242 (160) таси етиб келган холос. Шундан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга, 43 таси табобатга, 19 таси мантиққа, 26 таси руҳшуносликка, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси фалакиётга, 1 таси риёзиётга, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга, 8 таси бошқа олимлар билан бўлган ёзишмаларга тегишлидир<sup>2</sup>. Лекин бу асарларнинг ҳаммаси ҳам олимлар томонидан бир хилда ўрганилган эмас. Олимнинг форс тилида ёзган бир неча газал ва қитъалари, 40 дан ортиқ рубоийлари ҳам мавжуд. Энциклопедист олимнинг илмий мероси Шарқ ва Ғарб маданияти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг асарлари XII асрдан латин тилига таржима қилиниб, Европа университетларида ўқитилди.

### ***Олимнинг фалсафага оид асарлари:***

1. Энг йирик ва муҳим асари «Китоб аш-шифо»дир. Бу асарни ўз даврининг қомусий асарларидан десак муболаға бўлмайди. У 22 жилддан иборат бўлиб, 4 та катта бўлимни ўз ичига олади: 1) мантиқ — 9 бўлакка бўлинган: ал-мадҳал – мантиққа кириш; ал-мақулот – категориялар; ал-иборат – интерпретация; ал-қиёс – силлогизм; ал-бурҳон – исбот, далил; ал-жадал – тортишув, диалектика; ас-сафсата – софистика; ал-хитоба – риторика; аш-шеър – поэтика (шеър санъати); 2) табиёт (бу ерда минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва инсонлар ҳақида алоҳида-алоҳида бўлимларда гапирилади; 3) риёзиёт – 4 фанга бўлинган; ҳисоб (арифметика), хандаса (геометрия), астрономия ва мусиқа; 4) метафизика

---

<sup>1</sup> <http://orbital.uz/ibn-sino>

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 жилд. –Т.: 1992. –Б.5.

ёки илоҳиёт. Бу асарнинг айрим қисмлари лотин, сурёний, иброний, немис, инглиз, француз, рус, форс ва ўзбек тилларида нашр этилган.

2. «Китоб ан-нажот» («Нажот китоби») асари «Китоб аш-шифо»нинг қисқартирилган шакли. У ҳам қисман жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинган.

3. «Ал-ишорат ва танбиҳот» («Ишоралар ва танбиҳлар») асари. Унда фалсафанинг асосий масалалари қисқача бир тарзда баён этилган.

4. «Ҳикмат ал-машриқийн» («Шарқчилар фалсафаси») асари.

5. «Китоб ал-ишорат фи-л-мантиқ вал-ҳикмат» («Мантиқ ва фалсафанинг ишоралари») асари.

6. «Донишнома» («Билим китоби») асари форс тилида ёзилган. Ибн Сино бу асарида ўзидан олдинги ва ўз давридаги табиий фанлар ва фалсафанинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда шундай бир фалсафи асар яратдики, бу асар ўрта аср Шарқидаги назарий билимларнинг энг юқори чўққисига кўтарилди. «Донишнома» 4 бўлим: мантиқ, метафизика (илм ул-илоҳий), физика ва математика (риёзиёт) дан иборат<sup>1</sup>.

Ибн Синонинг фалсафий қарашларининг ўзига хос томонлари мавжуд. Ибн Синонинг дунёқараши Аристотель таълимоти ва Форобий асарлари таъсирида шаклланди. Унинг фикрича, фалсафанинг вазифаси мавжудотни, яъни барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, ўзаро муносабати, бир-бирига ўтишини зарурият, имконият, воқелик, сабабият омиллари асосида ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Оламда мавжуд барча нарсалар иккига бўлинади: зарурий вужуд (вужуди вожиб) ва имконий вужуд (вужуди мумкин). Зарурий вужуд энг иродали, кудратли, доно Тангридир. Қолган нарсалар имконият тарзида мавжуд бўлиб, Тангридан келиб чиқади. Зарурий вужуд билан имконий вужуд муносабати сабаб ва оқибат муносабатидир. Бу жараёнда оламдаги ҳамма нарсалар эманация тарзида, яъни куёшдан чиқаётган нур шаклида аста-

---

<sup>1</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; mas'ul muharrir S. Inoyatov. –T.: Sharq, 2013. –B.139-140.

секин амалга ошади. Шу тартибда имконият шаклида мавжуд бўлган ақл, жон, жисм, улар билан боғлиқ осмон сфералари келиб чиқади. Булар ҳаммаси субстанция (жавҳар) бўлиб, яна борликда акциденция — нарсаларнинг белгилари, ранги, хажми, хиллари мавжуд. Жисм шакл ва моддадан ташкил топади. Худо абадий, унинг оқибати бўлмиш материя ҳам абадийдир. Унинг ўзи бошқа тайин жисмларнинг асосидир. Нарсаларнинг моддий асоси ҳеч қачон йўқолмайди<sup>1</sup>.

Ибн Сино материяни энг содда бўлинмас тўрт унсур: ҳаво, олов, сув ва тупроқдан иборат, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, шу тўрт унсур абадий йўқолмайди. Унинг бу қарашлари зардуштийликнинг тўрт муқаддас маъво ҳақидаги қарашларига - мос эди. Ибн Сино «Китоб аш-шифо»нинг табиий фанларга оид қисмида баъзи геологик жараёнлар хусусида илмий, назарий хулосаларини берди<sup>2</sup>.

Ибн Сино фалсафий илмларни аввало иккига бўлади: назарий ва амалий илмлар. Назарий илмлар ҳақиқатни билишга, амалий илмлар яхши ишларни бажаришга қаратилган. Фалсафанинг назарий қисми учга бўлинади: 1) қуйи даражадаги илм, яъни табиатшунослик; 2) ўрта даражадаги илм — математика; 3) олий даражадаги илм — метафизика. Фалсафанинг амалий қисми ҳам учга бўлинади: а) шахс ҳақидаги илм; б) инсоннинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илм; в) давлатни, мамлакатни бошқариш ҳақидаги илм. Назарий-фалсафий илмларга кирувчи ҳар уч турдаги илмлар асосий ва ёрдамчи бўлақларга ажралади; табиатшунослик илмлари астрология, медицина, алкимё каби етти хил тармоқни ўз ичига олади. Математика эса арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа номи билан 4 тармоққа бўлинади. Асарда 29 илм тармоғи тилга олинади<sup>3</sup>.

### ***Фалсафий мазмундаги бадиий қиссалари:***

Ибн Сино фалсафий шеърлар ҳам ёзган, бу борада унинг йигирма байт, яъни қирқ йўллик нафс-жон ҳақидаги машҳур шеъри ҳам бор. Ибн

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. –Т.: ЎзМЭ, 2002. –Б.55.

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сино (рисола). -Т.: 2011. –Б.21-22.

<sup>3</sup> Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). - Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. –Б.101-102.

Синонинг бу шеъри кичик ҳажмли бўлишига қарамай, кўп файласуфлар унга шарҳлар ёзишган, у бир неча бор нашр ҳам этилган. Ибн Синонинг бизгача етиб келган машҳур асарларидан «*Ҳайй ибн Яқзон*», «*Рисолатат-тайр*» («*Тайр қиссаси*»), «*Саломон ва Ибсол*», «*Юсуф қисса*» (бу қисса - Қуръон сюжети асосида ёзилган биринчи асар бўлиб, рамзий-мажозий усулдадир) каби қиссаларини айтиш мумкин. Қисса деганда ҳозирги араб адабиётида ҳикоя жанрини тушунамиз. Лекин ўрта асрда қисса сўзи дoston, повесть маъносида ҳам ишлатилган. Одатда қадим Шарқ адабиётида кичик ҳажмдаги прозаик асар бўлса қисса жанрига киралган. Шунинг учун ҳам Ибн Сино «*Ҳайй ибн Яқзон*», «*Саломон ва Ибсол*» ва «*Юсуф*» асарларини қисса деб атаган. Бу асарларда олим ижтимоий ҳаёт, инсонни улуғлаш, жамиятдаги адолатсизлик, илм-маърифатни тарғиб қилиш қатор рамз-ишоралар билан берилган.

Шу ўринда «*Ҳайй ибн Яқзон*» қиссаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишига қараганда, Ибн Сино бу асарини хижрийнинг 414 йили (милодий 1023) Ҳамадонга яқин бўлган Фараждан қалъасида тўрт ой қамалиб ётган пайтида ёзган. Шайх бу вақтларда 44 ёшларда бўлган<sup>1</sup>. «*Ҳайй ибн Яқзон*» — рамзий-мажозий услубда ёзилган қиссасининг бош қаҳрамонн — биринчи шахс Ибн Синонинг ўзи бўлса, унинг суҳбатдоши, ҳикоя қилувчи - Ҳайй ибн Яқзон – Уйғоқ ўғли Тирик – Ақлдир. Қиссадаги бешта алоқа бўлими инсондаги бор бўлган бешта ташқи сезув органи — кўриш, таъм билиш, ҳидлаш, эшитиш, сезишдир. Булар киши организмда табиатни тушунишда, муносабатда бўлишда мисоли бир хабарчидир. Ибн Синонинг бу қиссаси кўп жиҳатдан мажозий, рамзий битилган, кишилар феъли атворини ўз ичига қамраб ололган ва ҳаётий гаплардан мулоҳаза юритадиган адабий асар ҳамдир. Мана шу нуқтаи назардан қараганимизда қиссанинг икки соҳада - ҳам фалсафий, ҳам адабий соҳада ёзилганлигини кўрамиз.

---

<sup>1</sup> <http://www.gglit.uz/blog/2013/08/abu-ali-ibn-sinoninng-adabiy-merosidan/>

Ибн Сино мантиқни илмий билишнинг, мавжудотни ўрганишнинг илмий усули деб билади. «Мантиқ, - деб ёзади Ибн Сино - инсонга шундай бир ҳолида берадики, бу ҳолида ёрдамида инсон ҳулоса чиқаришида хатолардан сақланади». У мантиқий усуллар, таърифлаш, ҳукм, ҳулоса чиқариш, исботлаш масалаларини чуқур ўрганди, мантиқ фанини Форобийдан сўнг билишнинг тўғри методи сифатида ривожлантирди<sup>1</sup>.

Ибн Синонинг математика соҳасига оид илмий ишлари ҳам сермахсул эди, у Евклиднинг «Негизлар» китобига шарҳлар ва изоҳлар киритди, уни тўлдирди, бунда геометрик ўлчамларга арифметик атамаларни қўллади. Сон тушунчасини натурал сондан анча кенгайтирди<sup>2</sup>.

### ***Ибн Синонинг тиб (тиббийёт)га оид асарлари:***

Мазкур соҳага доир ёзган асарларининг 30 дан ортиғи бизгача етиб келган. Араб тилида яратилган 5 китобдан иборат бўлган (жилдли) «**Тиб қонунлари**» (асл номи «*Китоб ал – Қонун фи-т-тиб*»)\* – Абу Али ибн Синонинг тиббийётга оид асосий асаридир. «Тиб қонунлари» ҳақида гап борар экан, кўпчиликни унинг қачон ёзилгани қизиқтириши табиий. Муаллифнинг ўзи бу ҳақда бирор маълумот қолдирмаган. Аммо олим билан 25 йил ҳамкорликда ишлаган шогирди ва дўсти Абу Убайд Жузжонийнинг гувоҳлик беришича, Ибн Сино «Тиб қонунлари»нинг биринчи китобини 1012 йилда ёзишга киришган. Албатта, бундай катта қомусий асарни ёзишга олим олдиндан тайёргарлик кўрган, йиллар мобайнида материал йиғиб юрган. Шу тахлитда олим ўз «Тиб қонунлари»нинг қолган китобларини Рай ва Ҳамадонда эканлигида (1015-1024 йиллар мобайнида) ёзилганлиги ҳақида маълумотлар бор<sup>3</sup>.

«Тиб қонунлари» ўзининг асосий дарслик ва қўлланма сифатида қимматини 500 йилдан ортиқроқ вақтгача сақлаб қолди. У XX асрнинг ўзида турли тилларда 36 марта нашр қилинган. Биринчи бор бу асар

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. –Т.: ЎзМЭ, 2002. –Б.55.

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сино (рисола). -Т.: 2011. –Б.19-20.

\* Бу китобнинг номи қисқача «Қонун» деб юритилади.

<sup>3</sup> Абу Али Ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Мақолалар тўплами. –Т.: Фан, 1980. –Б.28.

Страсбург шаҳрида 1473 йилда босилиб чиқди<sup>1</sup>. Китобнинг асл арабча матни биринчи марта 1593 йили Римда, кейинчалик у ҳозирги Кохира (1873, 1877, 1879), Техрон (1889), Лакнав (1906) ва Лохур (1906) шаҳарларида чоп этилди. Испаниянинг Толеда шаҳрида 1130 йили таржимонлар коллегияси ташкил қилинади ва Кремоналик Гевард (1114–1187) «Тиб қонунлари»ни араб тилидан латин тилига таржима қилишга киришади<sup>2</sup>. Шундан бошлаб «Тиб қонунлари» китоби Европа врачлари кўлидаги асосий кўлланмага айланади ва университетларда тиббиёт фани шу асар буйича ўқитилган. Умуман, Европада 40 мартага яқин нашр қилинган. Ўзбекистон шарқшуносларининг самарали изланишлари билан Ибн Синонинг бу шоҳ асарининг 5 та китоби 1956-1962 йиллари ва 1980-1983 Тошкентда рус ва ўзбек тилларида нашр этилган. Ҳозир янги наشري чоп этилмоқда<sup>3</sup>. Ибн Сино «Қонун»нинг 1–китобини Журжонда, қолганларини эса Рай ва Ҳамадонда яшаган вақтида ёзган.

Комусий олим Ибн Сино «Қонун»да табобат соҳасидаги мавжуд маълумотларни тўплади, уларни ўз тажрибалари ва кўзатишлари билан бойитди ҳамда жуда системали равишда баён этди. Бу китоб табобат (медицина) фани соҳасида янги давр очди. «Қонун» Гиппократ ва Жолинус (Гален) асарларидан сўнг тиббий фан дурдоналари қаторига қўшилган энг йирик гавҳардир.

**«Тиб қонунлари»** беш китобдан иборат бўлиб, унинг ҳар бири табобатнинг айрим масалаларига бағишланган. Биринчи китобда табобатнинг умумий назарий масалалари баён этилади. Бу китоб 4 фан (қисм) дан иборат. Биринчи қисм табобат фанининг таърифи ва бу фаннинг назарий мавзуларига бағишланади. Олимнинг фикрича, табобат киши соғлиғини сақлаш ва касалларни даволаш мақсадида одам гавдасини ҳар томонлама текширувчи фандир.

---

<sup>1</sup> <http://uz.ferlibrary.uz/abu-ali-ibn-sino>

<sup>2</sup> <http://buxdti.uz/tematik/tematik1/sino/sino21.htm>

<sup>3</sup> Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти... –Б.123-124.

Биринчи китобнинг иккинчи қисмида касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг аломатлари баён этилади. Бунда аввало касаллик ҳолати ҳақида умумий тушунча берилиб, сўнг касалликнинг хиллари, уларнинг аломатлари баён этилади. Шундан кейин, касаллик қўзғатувчи турли сабаблар бирма-бир санаб ўтилади. Ибн Сино касаллик пайдо бўлишида киши организмига ички ва ташқи муҳитнинг (овқат, ҳаво, иқлим, турмуш шароити ва ҳ.к.) таъсири муҳим роль ўйнашини алоҳида уқдириб ўтади<sup>1</sup>.

Ибн Сино соғлиқни сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш (профилактика) масалаларига ўтади. Бу тадбирлар бириинчи китобнинг учинчи қисмида баён этилган. Соғлиқни сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда Ибн Сино киши организмини турли йўллар билан чиниқтиришнинг аҳамиятини алоҳида кўрсатиб ўтади. Ибн Синонинг таъкидлаб ўтишича, организмни касалликларга нисбатан чидамли қилиб чиниқтириш ишини ёшлик даврдан бошлаш керак. Бунда гигиеник тадбирларни тўғри ва системали равишда амалга ошириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Чиниқтиришнинг асосий усулларн турли жисмоний тарбия машқлари ва спорт ўйинларидан иборат. Чунончи, гимнастика, югуриш, кураш, чавандозлик, найзабозлик, мерганлик, сувда сузиш ва ҳоказо. Бу тадбирларни амалга оширишда кишининг ёши, соғлиқ даражаси, жинси ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинishi керак.

Биринчи китобнинг тўртинчи қисми касалликларни умумий даролаш принципларига бағишланган. Ибн Синонинг фикрича, касални даволашдан илгари, касалликни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш зарур. Шундан сўнг шу сабабларга қарши тегишли чоралар кўрилади. Ўша замондаги тушунчаларга кўра Ибн Сино касаллик сабабларини киши организмидаги, 4 хил суюқликқа (қон, сафро, ўт ва «қора ўт»)га боғлайди. Унинг фикрича, бу суюқликлардан бири кўпайиб кетса, маълум касаллик пайдо бўлади. Бундай тақдирда кўпайиб кетган суюқликни организмдан

---

<sup>1</sup> Қодиров А. Абу Али ибн Сино. Қайта ишланган 2-нашри... –Б.17.

чиқариб юбориш керак (масалан, қон олиш, қусдириш ёки клизма қўйиш), кейин касалга дори-дармонлар бериш лозим. Ибн Синонинг қон олиш ҳақидаги фикрлари ҳозир ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу усул қадимги табибларнинг севган усули эди. Ҳозирги замон илмий медицинасида ҳам қон олиш қўлланилади. Масалан, гипертония (қон босимининг ошиши), эклампсия (ҳомиладор аёллар касаллиги), ўпка кўпчиши (отек легких) ва бошқа касалликларда қон олиш, энг яхши даволаш воситаларидан бири ҳисобланади.

«Тиб қонунлари»нинг иккинчи китоби доришуносликка бағишланган. Унда ўсимлик маъдан ва ҳайвонлардан олинадиган 811 содда дорининг номини алифбо тартибида жойлаштирилиб чиқилган ва уларнинг таъриф келтирилиб, ҳар бири қайси дардга даво эканлиги изоҳланган. («Тиб қонунлари», 7-бет.) Ибн Синонинг даволаш услубида ишлатилган 396 доривор ўсимликдан 165 таси бугунги кунда тиббиёт фанида қўлланилади<sup>1</sup>.

Учинчи китоб айрим органлар касаллиги ва бу касалликларни даволаш усулларига бағишланган. Бу китобни махсус патология дарслиги деб аташ мумкин. Китоб 22 қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисмнинг бошида айрим органнинг анатомия ва физиологияси берилади. Сўнгра касалликлар ва уларни даволаш усуллари баён этилади. Бу китобда Ибн Сино киши организмидаги ҳар бир органнинг (ҳатто соч ва тирноқларнинг) касалликларини жуда муфассал ёзган<sup>2</sup>.

Тўртинчи китоб организмнинг умумий касалликларига бағишланган, яъни бир органда чегараланиб қолмайдиган ва одам танасининг ҳамма жойига баравар таъсир қиладиган касалликлар ҳақида ёзилади. Китоб 7 қисмдан иборат бўлиб, бунда автор иситмалар, ўсмалар, уларнинг сабаби, жарроҳий (хирургик) касалликлар (синиш, чиқиш, яраланиш), уларни

---

<sup>1</sup> Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1. – T.: Sharq, 2010. –B.230.

<sup>2</sup> Қодиров А. Абу Али ибн Сино. –Т.: 1953. –Б.20-21.

даволаш усуллари ва турли заҳар ҳамда дорилар билан заҳарланиш ва уларга қарши қандай чоралар кўриш ҳақида ёзади<sup>1</sup>.

Бешинчи китоб мураккаб дорилар ҳақидадир. Китобида мураккаб дориларнинг организмга таъсири, уларни тайёрлаш, истеъмол қилиш усуллари баён қилинган. Бу китоб доришунослик илмига - фармакологияга бағишланган<sup>2</sup>.

Абу Али ибн Сино *тиббиётнинг* айрим назарий ва амалий масалаларига бағишланган турли ҳажмдаги рисолалари ҳам бўлиб, бунга қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. «*Уржуза фи-т-тибб*» («Тиббий уржуза») номли шеър билан ифодаловчи рисоласи.
2. «*Ал-Адвият ал-қалбия*» («Юрак дорилари»). Бу рисоласидаги барча оддий дориларни (65 та) ўз асарига киритган, баъзи оддий юрак дориларини Ибн Сино кашф этганлигини ёзади.
3. «*Дафъ ал-мадорр ал-куллия ан-ал-абдон ал-инсония*» («Инсон баданига етишган барча зарарларни йўқотиш»).
4. «*Китоб ал-қуланж*» («Қуланж ҳақидаги китоб», яъни «Ичак санчиқлари»).
5. «*Рисола-йи набзия*» («Томир уриши ҳақида рисола»). Ибн Сино томонидан 1021 йилдан сўнг форс тилида ёзиб қолдирилган тиббий рисолалардан бири бўлиб, у 1370/1951 йили Техронда китоб ҳолида «Рагшуносий» номи билан нашр қилинди.
6. «*Рисола фи-л-урук ал-мафсуда*» («Қон олинадиган томирлар ҳақида рисола») - араб тилида ёзилган бўлиб, унинг бир қанча қўлёзма нусхаси Туркия кутубхоналарида сақланмоқда.
7. «*Рисола фи тадбири ал-мусофирин*» («Сафарда бўладиганларнинг тадбири ҳақида рисола»)- бизгача бир неча нусхада араб тилида етиб келган бўлиб, Британия музейида қўлёзма нусхаси мавжуд. Рисолада

---

<sup>1</sup> Қодиров А. Абу Али ибн Сино. Қайта ишланган 2-нашри... –Б.22.

<sup>2</sup> Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). - Т.: 2001. -Б.99.

умуман сафарда бўладиганларнинг тадбиридан ташқари, денгизда сафар килувчиларнинг махсус тадбири ва бошқа масалалар баён қилинган.

8. «*Рисола фи-л-боҳ*» («Шахвоний қувват ҳақида рисола») - бу рисола ҳам араб тилида ёзилган бўлиб, Британия музейида қўлёзма нусхаси мавжуд. Рисолада жинсий қобилият ва ёш ўтиши билан унинг сусайиб бориши ҳақида сўз юритилади<sup>1</sup>.

9. «*Рисола фи хифз ас-сиҳҳа*» («Соғлиқни сақлаш ҳақида рисола»).

10. «*Рисола фи-с-сиканжубин*» («Сиканжубин ҳақида рисола»).

11. «*Рисола фи-л-ҳиндабо*» («Сачратқи ҳақида рисола»)<sup>2</sup>.

Ибн Сино ўз давридаги *табиий фанларнинг* ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган олимдир. Унинг табиий-илмий қарашлари «Китоб аш-шифо»нинг табиий фанларга оид қисмида, яъни, аниқроқ қилиб айтганда, «*ан-набот*» («*Ўсимликлар*») қисмида ўсимликларнинг турлари, пайдо бўлиши, озикланиши, ўсимлик аъзолари ва уларнинг вазифалари, кўпайиши ҳамда ўсиш шароитлари ҳақида ёзади, илмий терминология яратиш соҳасида ҳам иш олиб боради.

***Олимнинг кимё соҳаси бўйича асари туркумига қўйидагилар киради:***

1. «*Рисола ас-санъа ила-л-Барақий*» («*Барақийга атаб санъат (ал-кимё)га доир рисола*») номли кичик асари. Бу асарни олим 21 ёшида, яъни илмий фаолиятининг бўсағасида металллар трансмутациясига, яъни оддий металлларни олтин ва кумушга кимёвий йўл билан айлантириш мумкинлигига ишонган ва мутақаддим кимёгарларнинг китоблари таъсири остида ёзган;

2. «*Рисола ал-иксир*» («*Иксир ҳақида рисола*») асари. Ибн Сино 30 ёшларга бориб, илмий тажрибаси ортган ёш олим металллар трансмутацияси соҳадаги уринишларнинг зое кетишига амалда ишонч

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Саломатлик сирлари. Тиббий рисолалар. –Т.: 2000. –Б.13-14.

<sup>2</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; mas'ul muharrir S. Inoyatov. –Т.: Sharq, 2013. –Б. 141.

ҳосил қилади ва ушбу асарини ёзиб, унда кимёвий йўл билан соф олтин ва кумуш олиш мумкинлигига шубҳа билдиради<sup>1</sup>.

Қомусий олим *минералогия (маъданшунослик) соҳасида* ҳам салмоқли ишлар қилган. У минералларнинг оригинал таснифини таклиф этди. Унга кўра, барча маъданлар 4 гуруҳга: тошлар, эрийдиган жисмлар (металлар), олтингугуртли ёнувчи бирикмалар ва тузларга бўлинади<sup>2</sup>. Бу тасниф то XIX асргача деярли ўзгаришсиз сақланиб келди. Ибн Синонинг геология ва минералогияга оид фикрлари унинг «*ал-Афъол ва-л-инфиолот*» («Таъсир ва таъсирланиш») асарида ҳам учрайди.

Ибн Сино *астрономия соҳасида* ҳам ижод қилиб, бу соҳага кизиқишини у ўзининг бутун ижодий ҳаёти давомида сақлади. Назарий астрономия соҳасида Ибн Сино Птолемей концепциясининг тарафдори эди ва бунинг таълимоти асосларини ўзининг «Қитоб аш-шифо» ва «Донишнома» каби асарларида батафсил баён қилди. Птолемейнинг «Алмажиста»сини қайта ишлаб, амалий астрономияга оид қўлланма «*Талхис Алмажистий*» асарини Исфаҳонда ёзди. Бу асардан ташқари унинг яна 8 та астрономик рисола, чунончи: «*Кузатиш асбобини ясаида бошқа усуллардан афзал усул ҳақида китоб*», «*Ернинг олам марказидаги ҳолати ҳақида*» (ягона қўдёзма нусхаси Қоҳирада сақланади), «*Самовий ҳодисалар ҳақида*», «*Самовий жисмларнинг кўринма масофалари*» (ягона қўлёзма нусхаси Оксфордда сақланмоқда), «*Ёритгичларнинг кундузи эмас кечаси кўриниши ҳақида*», «*Осмон сфераси ва одамларнинг уй-жойлари*», «*Шамсий ва қамарий йил фаслларининг ҳамда кеча ва кундуз замонларининг қонуниятлари*», «*Юлдузлар ҳукмининг раддияси*» кабиларни ёзган<sup>3</sup>. Ибн Сино астрологиянинг ашаддий рақиб бўлиб чиқади ва уни ғайри илмий деб эълон қилган.

Абу Райҳон Беруний «Геодезия»сида бу рўйхатни Ибн Синонинг яна бир асари билан тўлдиради. Бу асар Беруний асарларидан бошқа жойда

<sup>1</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; mas'ul muharrir S. Inoyatov. –T.: Sharq, 2013. –B. 140.

<sup>2</sup> <http://e-tarix.uz/shaxslar/140-ibn-sina.html>

<sup>3</sup> Абу Али Ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Маколалар тўплами. –Т.: Фан, 1980. –Б.115.

эслатилмаганлигига караганда, ёзилганидан сўнг тез орада йўқолган. Беруний ёзади: «Мен Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг Шамс ал-Маолийнинг қизи. Заррин Гисуга ёзган «Журжон (шаҳри) узунламасини тузатиш ҳақида рисола»сини кўрган эдим»<sup>1</sup>. Баъзи манбаларда бу асар «*Заррингизга нома ...*» асари деб ҳам аталган. Бироқ бу асар ҳозирги кунга қадар етиб келмаган. Бу асарлари билан олим нафақат табиб, балки астроном сифатада ҳам танила бошлади. У Рай шаҳрида яшаган пайтида Ой тутилишини кузатиш билан боғлиқ ҳолда шаҳарларнинг узунламасини топиш усулини ихтиро қилди.

Ибн Сино замонасининг етук шоири ҳам бўлган. У Шарқ, хусусан, форс поэзиясида рубоий жанрининг асосчиларидан бири бўлиб, рубоийлари ўзида чуқур фалсафий хулосаларни ифодалайди. Ибн Сино арабча қитъалар ҳам ёзган (унинг шеърӣй мероси қисман рус ва узбек тилларида нашр этилган). У маърифатпарвар сифатида ўзида шоирлик қобилиятини сезган чоғларидаёқ халқ ўртасида табобатни кенг кўламда ёйишга интилганини кўрамиз. Унинг тиббиётга оид дostonлари шундан далолат беради. Ибн Сино бу дostonларини арузнинг ражаз вазнида ёзган. Шунинг учун баъзан бу асарларни Уржуза деб ҳам атаганлар. Шу вазнда у тиббиётга атаб бир қанча шеърӣй асарлар ёзди, ҳозирча, булар сони тўққизта. Улар қуйидагилар:

*«Соғлиқни сақлаш – гигиенага оид уржуза».*

*«Тўрт фасллар ҳақида уржуза».*

*«Анатомияга оид уржуза».*

*«Гиппократ васиятлари ҳақида уржуза».*

*«Тажрибадан ўтган тиббий нарсалар ҳақида уржуза».*

*«Тиббий насиҳатлар ёзилган уржуза».*

*«Мантиққа оид ёзилган уржуза».*

*«Алоқа ҳақида уржуза».*

*«Табобат ҳақида уржуза».*

---

<sup>1</sup> Абу Али Ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Маколалар тўплами. –Т.: Фан, 1980. –Б.115.

Ибн Сино ёзган бу дostonларнинг 8 таси тиббийга, 1 таси мантикка оид асардир. Бу дostonларнинг энг йириги «Тиббий дoston» номи билан машхур бўлган. Ибн Сино дostonларининг энг йириги бўлган «Тиббий дoston» 1956 йили Парижда ва мантик ҳақидагиси 1910 йили Қоҳирада нашр этилган. Тиббий дoston қисқа насрий муқаддима билан бошланиб, кейин назмий йўлда давом этади. Нашр этилган нусхага кўра тиббий дostonда 1326 байт бўлиб, 2652 йўл шеърдан иборат. У ерда муаллиф озгина назмий муқаддима (ўн олти байт)дан сўнг назарий медицинага ўтади, бунга 705 байт бағишланган, сўнг амалий медицинага ўтади, бунга эса 605 байт бағишланган<sup>1</sup>.

Ибн Сино *муסיқа соҳасида* Форобийнинг илмий йўналишини давом эттирган йирик назарийчидир. У ўрта аср Ўрта Осиё муסיқий илмининг ривожлантиришда ҳам муҳим роль ўйнади ва ажойиб маданий мерос қолдирди. Абу Али ибн Сино муסיқий илмга бағишлаб, асосан 5 та асар ёзган. Бу асарларнинг ҳаммасида муסיқий илмининг назарий масалалари ҳақида фикр юритилади. Ўша асарлардан 3 таси бизгача етиб келган.

Ибн Сино ўзининг асарлари орқали кишиларга руҳий озик беришни, уларни илму фан ва маърифат воситаси билан жаҳолатдан, нодонликдан қутулишида нажот бўлишни назарда тутиб, ўз асарларини «аш-Шифо», «ан-Нажот», «Донишнома» деб атаган. Маълумки, ўрта асарларда муסיқа илми математиканинг бир тармоғи ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам бу даврда яшаб ўтган барча йирик олимлар музиқа ҳақидаги асарларини математик рисолалар ичига киритганлар. Жумладан, Ибн Сино ҳам ўзининг музиқа назариясига доир фикрларини математикага бағишланган асарларида баён қилади. Ибн Сино ўзининг «аш-Шифо» асаридаги музиқага бағишланган қисмини «*Муסיқий билимлар тўплами*» деб атаган. Дарҳақиқат, буюк олим муסיқий илмга оид барча назарий қонун-қоидаларни шу асарида батафсил баён этган. «Ан-Нажот» ва

---

<sup>1</sup> <http://www.gglit.uz/blog/2013/08/абу-али-ибн-синонинг-адабий-меросидан/>

«Донишнома» асарларида эса, мазкур мавзуда бирмунча қисқароқ фикр юритилади, чунки бу асарларнинг ўзи ҳам кичикроқ ҳажмда ёзилган<sup>1</sup>.

Ибн Синонинг «*Жавомей илм ал-мусиқо*» («Муסיқий билимлар тўплами») асари муסיқий илм назариясига бағишланган олти мақола (ал-мақолат)дан иборат бўлиб, ҳар бир мақола яна бир неча қисм (ал-фасл)ларга бўлинади. Ибн Сино мазкур асарининг биринчи мақоласи муқаддима ва тўрт фаслдан иборат. Олим ўз асарининг муқаддимасида ва қисман биринчи фаслида, асосан муסיқий-эстетик фикрларини баён қилади. Биринчи мақоланинг биринчи фаслида умуман товушлар (савт) ва муסיқий товушлар (ал-нағма) ҳақида фикр юритилади. Ибн Сино муסיқий товушларга таъриф берар экан, устози Форобийнинг фикрларига суянган ҳолда, уни янги аниқ фикрлар билан бойитади. У муסיқий товушларнинг баланд ёки паст товушлардан тузилишининг аҳамиятини назарда тутди. Ибн Сино муסיқий илм ҳақида арифметика ва геометрия фанлари билан боғланган ҳолда чуқур илмий хулосалар чиқаради<sup>2</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, комусий олим Абу Али ибн Синонинг дунёқарашини жуда мураккаб бир шароитда таркиб топди ва у илмнинг турли соҳаларда ижод қилиб, ўз дунёқарашини баён қилиб борган. Ибн Сино ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини «Шифо» асарининг этика бўлимида, «Рисолатул тайр» («Қуш рисоласи») ва бошқа бир қанча асарларида баён қилди. У ўзининг бутун фаолиятида оддий халқ оммасини ҳурмат қилди, уларнинг манфаатлари учун курашди, халқнинг нодонликда, жоҳилликда сақланишига ачинди, адолатсиз подшоларга ўз норозилигини билдирди. Шунинг учун ҳам унинг ижодининг ғоявий мазмуни эркинлик, инсонпарварлик ва маърифатпарварлик билан характерланади деб ишонч билан айтиш мумкин. Унинг «Тадбир ал-манозил» («Турар жойни бошқариш чоралари»), «Рисола фи илм ал-ахлоқ» («Ахлоққа оид рисола»), «Рисола фи ал-аҳд» («Бурч ҳақида рисола»),

---

<sup>1</sup> Абу Али Ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Мақолалар тўплами. –Т.: Фан, 1980. –Б.145.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 146-бет.

«Рисола фи тазкият ан-нафс» («Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола»), «Сиёсат ал-бадан» («Баданни бошқариш»), «Китоб ал-ансоф» («Адолат ҳақида китоб»), «Ал-уржуза фит-тибб» («Тиббий уржуза») асарларида<sup>1</sup> олимнинг маърифий-педагогик қарашлари ўз ифодасини топган. «Бурч ҳақида рисола»сида киши ўзини қандай тутиши, одамлар билан муомала қилиш маданияти ҳақида фикр юритади. Ибн Синонинг «Хикмат булоқлари» асарида ўздан олдинги ва ўзи давридаги табиий фанлар ва фалсафанинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда шундай бир педагогик таълимот яратганки, бу таълимот Ўрта аср Шарқидаги билимларни энг юқори чуққисига кўтарилган. Ибн Сино педагогика фанининг мақсад ва вазифаларини қуйидагича таърифлайди: «Бу фан шундай одамларни тайёрлаб бериши керакки, улар фақат ўзи учун яшамасдан, балки бошқалар ва жамоат ҳамда унинг манфаати учун яшашга интилиш керак»<sup>2</sup>. Инсонда меҳнатга меҳр муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлар ва ҳалоллик доимо устун туриши керак деб кўрсатади.

Ибн Сино психологияга ҳам катта эътибор берган олимдир. Унинг илмий меросини ўрганиш эса шуни кўрсатадики, буюк мутафаккир психологияга доир масалалар билан кўпроқ қизиққан ва махсус асарлар ёзиб қолдирган: жумладан, «Жон тўғрисида рисола» («Рисола фи ал-нафс»), «Психология тўғрисида рисола» («Рисола дар реваншеноси»), «Тушни йўйиш китоби» («Китоб ал-таъбир»), «Жон-руҳ ҳақида китоб» («Китоб ал-Мухжат»). Булардан ташқари, Ибн Синонинг кўпгина йирик фалсафий, тиббий асарларида: «Тиб қонунлари» («Китоб ал-қонун фиттиб»), «Шифо берувчи китоб» («Қитоб аш-шикоф»), «Нажот берувчи китоб» («Китоб ан-нажот») ва «Донишнома»да психологияга доир алоҳида бўлимлар мавжуддир<sup>3</sup>.

Психология масалаларига тааллуқли муаммоларни системага солиб биринчи марта махсус асар ёзган Қадимги Юнонистон олими Аристотель

<sup>1</sup> <http://kh-davron.uz/kutubxona/rivoyatlar/abu-ali-ibn-sino-zafarnomadan-hikmatlar.html>

<sup>2</sup> Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи фанидан маъруза матнлари / Тузувчи: Тангирова Х. /. – Урганч: 2003. –Б.84.

<sup>3</sup> Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида... –Б.32.

эди. Шунинг учун ҳам уни Қадимги Юнонистонда психологиянинг асосчиси деб атайдилар. Ибн Сино ҳам Шарқда ўрта аср шароитида психологияга доир масалаларни системалаштирди ва махсус асарлар ёзди. Шунинг учун ҳам биз Ибн Синони ўрта аср Шарқида психологияга асос солган олим деб айта оламиз.

Ибн Синонинг таълим-тарбия тўғрисидаги ғояларида жисмоний тарбия масаласи ғоят муҳим ўрин тутди. Ўрта Осиёда Х асргача жисмоний машғулотнинг киши организмига таъсири тўғрисида маълум бир таълимот бўлмаган эди. Киши организмини чиниқтиришда жисмоний машғулотнинг роли катта эканлигини табиий-илмий томондан Ибн Сино асослаб берди. У мунтазам суратда жисмоний машқ қилиб туриш, бошқа режимларга (овқатланиш, уйқу, баданни тоза тутиш) қатъий риоя қилиш соғлиқни сақлашда энг муҳим ва асосий шартлардан биридир, деб билди. Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари»нинг биринчи китобида жисмоний машғулотни кишининг ёшига, соғ-саломатлигига ва касаллигига қараб, турлича форма ва методларда ўтказиш кераклигини таъкидлайди.

Ҳар томонлама билимга эга бўлган Ибн Сино фанларни классификация (тасниф) қилиш имкониятига эга бўлди. Бу соҳада «Ақсом ал-улум ал-ақлия» («Ақлий илмлар таснифи») номли асар ёзди<sup>1</sup>. Олим фанларни классификациялаб, биринчи ўринга табиёт фанларини қўяди. Фанни аввал назарий ва амалий қисмларга бўлади. Ибн Сино фаннинг назарий қисмини, ўз навбатида, яна уч қисмга: табиёт, математика, теологияга бўлади. Чунки олим бу фанларнинг ҳар бирини ўрганиш ва текшириш объектлари турлича эканлигини изоҳлайди. Унинг фикрича, табиёт моддий борлик ва ҳаракатни ўрганади, математика эса материя ва ҳаракатга боғлиқ объектларни ўрганади (тўрт бурчак, шар, айлана ва ҳоказо)<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; mas'ul muharrir S. Inoyatov. –T.: Sharq, 2013. –B. 141.

<sup>2</sup> Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида... –Б.62.

Хуллас, Абу Али ибн Синонинг илмий мероси битмас-туганмас хазинадир. Унга мурожаат этган сари оламни ва одамни янада чуқурроқ идрок этамиз. Инсонга ато этилган бемисл ақл-шижоат, куч-қудрат, яратувчилик салоҳиятининг янги-янги қирралари намоеън бўлаверади. Бундай кашфиётлар инсониятни комиллик сари етаклайди, хаёт давомийлиги ва келажак авлодлар камолотига хизмат қилади.

### 3. Абу Али ибн Сино ва ҳозирги замон.

Истиқлол шарофати билан миллий маънавий меросимизни ўрганиш янги босқичга чиқди. Хусусан, Ибн Сино ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама тадқиқ этиш, улкан илмий-маънавий меросини асл ҳолича ўрганиш ва жаҳонга кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олимларимизнинг ана шу йўналишдаги изчил изланишлари натижасида «Тиб қонунлари» ўзбек тилида учинчи марта мукаммал ҳолда қайта нашр этишга тайёрланди. «Тиб қонунлари» беш китобдан иборат бўлиб, 2013-2014 йилларда асарнинг биринчи ва иккинчи жилди босмадан чиқди. Янги нашрларни тайёрлашда изох ва кўрсаткичлар қайта тўлдирилди. Аввалги нашрларда ўзбекча берилмаган баъзи дори номлари аниқланди. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ибн Сино ўзи шуғулланган фан соҳаларининг қарийиб ҳар бирида сезиларли из қолдирди, ўз даври фани учун илғор бўлган ғояларни илгари сурди. Жумладан, астрономик асбоблар яшаш соҳасида XVI асрдан «нониус» деб аталган асбобни ихтиро қилди; табиий фан соҳаларида zilzila, вулқонлар, торларнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳозирги геологияда ўз тасдиғини топган назарияларни таклиф қилди; моддаларнинг таснифи, илмлар таснифини ишлаб чиқди; табобат соҳасида диагностика, терапия ва жаррохликда янги ва эффектив ташхис ва даволаш усулларини ишлаб чиқдики, уларнинг баъзилари кейинчалик Европада қайта кашф қилинди.

Улуғ ҳаким тиб назарияси, хусусан, анатомиянинг мукаммал билимдонидир. Унинг баъзи касалликларга ташхис қўйиш усуллари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, аъзога уриш орқали ташхис қўйиш усули бугунги кунда фанда перкуссия дейилади. Табобат тарихида биринчи бўлиб Ибн Сино вабо билан ўлатни фарқлаган, юқумли касалликларга чалинган беморларни бошқалардан ажратиш ғоясини илгари сурган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> <http://uza.uz/oz/society/ibn-sino-merosi-beba-o-khazina-09-03-2015>

Жарроҳлик соҳасини ривожлантиришда ҳам Ибн Синонинг улкан хизматлари бор. Елка суягининг чиқишини оддий босиш билан даволаш усули ҳозиргача «Авиценна усули» деб аталади. Аллома умуртқанинг кийшайишини ўзи ихтиро этган ёғоч мослама ёрдамида тузатган. Бу усулни XV асрда француз табиби Кало қайта кашф этган. Суякни гипслаш усули ҳам Ибн Сино томонидан кенг қўлланган, лекин у кейинчалик нутилиб, европалик табиблар томонидан 1852 йилда амалиётга янги ихтиро сифатида қайтарилган<sup>1</sup>.

Ҳозирги кўз жарроҳлигида қўлланаётган усулларнинг қарийб барчаси Ибн Синога маълум бўлган. Унинг бир касалликни бошқа бир касалликни чақириш йўли билан даволаш усули диққатга сазовордир. Масалан, у тутқаноқни даволашда тўрт кунлик иситма билан оғришни фойдали деб билади. Австриялик психиатр Ю. Вагнер-Яурег (1857-1940) шундай усулни қўллаб, захм касаллигини безгакни юктириш орқали даволагани учун 1927 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган. Бир сўз билан айтганда, Ибн Сино инсоннинг энг бебаҳо бойлиги бўлган саломатликни асраш учун қатъий курашган қомусий олим, ҳақиқий фидойилардан бири эди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инстшутада Абу Али ибн Сино қаламига мансуб 50 асарнинг 60 та қўлёзмаси мавжуд. Унинг асарларини Е. Бишманн, Ю. Руска Карра де Во, Х. Корбин, Л. Гарде каби европа; М.У. Нажотий, А.Н. Нодир, Ж.Ш. Қанавотий, Саид Нафисий, Яҳё Маҳдавий, Э. Ихсонўғлу, Ф. Раҳмон каби араб, турк, форс олимлари, Е.Э. Бертельс, А.Я. Борисов, И.С. Брагинский каби рус олимлари; С. Айний, С. Мирзаев, А. Муродов, А. Расулов, У.И. Каримов, А. Ирисов каби ўзбек олимлари ўргандилар<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон миқёсида Абу Али ибн Сино номини абадийлаштириш ва унинг бой илмий меросини ўрганиш борасида

---

<sup>1</sup> <http://uza.uz/oz/society/ibn-sino-merosi-beba-o-khazina-09-03-2015>

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сино (рисола). -Т.: 2011. –Б.24.

кўплаб амалий ишлар қилинди. Бунга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

1. Европа тиллари орқали ҳозирги кунда жаҳоннинг барча тилларида қўлланиладиган кўплаб илмий терминларнинг номи Ибн Сино билан боғлиқ, масалан: «Авиценна» термини Ибн Синонинг Европа тилларида талаффузининг ўзгарган шаклларида келиб чиққан. «Медицина» сўзини ҳам олимлар «Мадади Сино» яъни, «Ибн Синонинг мададлари» сўзининг талаффузда ўзгарган шакли деб қарайдилар<sup>1</sup>.

2. Ўсимликларнинг биринчи илмий таснифини яратган буюк швед ботаник олим Карл Линей (1707-1778), ўз илмий ишларида Актанлар оиласига мансуб тропик мамлакатларда денгиз сувида ҳам ўсувчи ва доимо яшил ҳолда қоладиган дарахт номини Ибн Синонинг номи билан «*Авиценниа*» деб атаган<sup>2</sup>.

3. 1956 йил Ўзбекистон ерида топилган янги минерал ҳам улуғ аждодимиз шарафига «*Авиценнит*» деб номланган.

4. Ойда Ибн Сино номи билан аталувчи *кратер* мавжуд.

5. Ҳозирда Францияда «Абу Али ибн Сино – Франция» уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Доктор Марк Боннел раҳбарлик қилаётган бу уюшма Франция ва Европада Ибн Синонинг маданият, фалсафа ва тиббиёт соҳасидаги илмий асарларини оммалаштиришга беқиёс ҳисса қўшмоқда.

6. 2011 йили испан ёзувчиси Эзекел Теодоро «Ибн Сино кўлёмаси» («El Manuscrito de Avicena») романида Ибн Синонинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотларни бадиий ифодалаш орқали келтиради.

7. Тожикистонда тоғ чўққисига (олдин «Ленин чўққиси» деб номланган) олимнинг номи берилган.

8. Тожикистонда фан соҳасидаги катта ютуқларни тақдирлаш учун Абу Али ибн Сино номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган.

---

<sup>1</sup> <http://orbita.uz/ibn-sino>

<sup>2</sup> <http://www.gglit.uz/blog/2013/08/абу-али-ибн-синонинг-адабий-меросидан/>

9. Тожикистон пул бирлиги «Сомони»нинг 20 сомонида Ибн Сино тасвири туширилган.

10. Ибн Сино хайкали Ўзбекистон Республикасининг турли жойларида, хусусан, Бухоро шаҳри, Афшона қишлоғи, Тошкентда ўрнатилган. Хорижда ҳам мавжуд бўлиб, Душанба (Тожикистон, Ибн Сино шарафига хайкал қўйилган майдонга ҳам унинг номи берилган), Анкара (Туркия), Кортрейк шаҳри (Бельгия, 2000 йилда) ва Рига (Латвия, 2006 йил Гайльэзерс шифохона комплексининг боғида) хайкаллар қад ростлаган. Жаҳондаги кўплаб етакчи тиббий муассасаларда ҳам унинг хайкали ўрнатилган.

11. Ўзбекистон ва Тожикистондаги кўплаб тиббий олий ва ўрта билим юртларига (жумладан, 1990 йилда очилган Бухоро тиббиёт институти ва Тожикистон давлат тиббиёт институтига), санаторий, шифохона, Бухоро вилояти кутубхонаси ва маданият саройига, турли мактаб, кўчалар ва ширкат хўжаликларига, Тошкентдаги тураржой мавзесига Ибн Сино номи берилган.

12. Ибн Сино номи билан аталувчи кўчалар хорижий давлатларнинг кўплаб шаҳарларида, жумладан, Донетскда, Ригада, Истамбулда, Ҳамадон шаҳарларида мавжуд. Бундан ташқари Исроил Давлатининг кўйидаги кўрсатилган шаҳарларида олимнинг шарафига номланган кўчалар ҳам мавжуд:

- 1) Хайфо: Ibn Sina street, Haifa, Israel
- 2) Тель-Авив: Ibn Sina street, Tel-Aviv, Israel
- 3) Тира: Ibn Sina street, Tira, Israel<sup>1</sup>

13. Ўзбекистон ва жаҳон кинематографиясида ҳам Ибн Сино сиймосини улуғлаш ва киноманларга намоиш этиш мақсадида фильмлар яратилган. Дастлаб 1984 йилда «Ўзбекфильм» студиясида (реж. Э. Эшмухамедов; О. Агишев, Э. Эшмухамедов сценарийси) «Даҳонинг ёшлиги» тарихий-биографик бадиий фильми яратилган. 2013 йилда эса Н.

---

<sup>1</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Ибн\\_Сина](https://ru.wikipedia.org/wiki/Ибн_Сина)

Гордон китоби асосида (реж. Филиппа Штёльцля) «Табиб: Авиценна шогирди» («The Physician») номли фильм яратилди.

14. 1999 йили Ўзбекистонда Ибн Сино халқаро жамғармаси тузилди. 2000 йилдан «Ибн Сино» ва «Сино» номли халқаро журналлар нашр этилмоқда.

15. Ҳозирда Бухоро шаҳри Пешку туманининг Афшона қишлоғида Ибн Сино музейи фаолият кўрсатмоқда. Музей 1980 йилда очилган<sup>1</sup>.

16. Ўзбекистонда Ибн Сино номидаги нашриёт фаолият кўрсатади. У Ўзбекистан матбуот ва ахборот агентлигига қаршли тиббий нашриёти ҳисобланади. Ўзбекистан давлат тиббиёт нашриёти сифатида 1959 йилда ташкил этилган. 1964 йилдан «Медицина» деб номланган. 1990 йилдан ҳозирги номда.

2014 йил 15-16 май кунлари Президентимиз Ислон Каримовнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузасида Шарқ оламида яшаб ижод этган аллома ва мутафаккирлар, жумладан, Ибн Синонинг илмий мероси чуқур таҳлил қилиниб, замонавий цивилизация ривожигаги ўрнига муносиб баҳо берилди. Ушбу конференцияда *Барбара Потрата\** «Ибн Синонинг ва Марказий Осиё халқлари анъанавий билимларининг тиббиёт ривожига қўшган ҳиссаси» – мавзусида илмий маъруза қилди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> <http://www.manzaratourism.com/ru/uzbekistan/avicenna-memorial-museum#pictures>

\* Барбара Потрата - Лидс университети Саломатлик Тадқиқотлари институтининг маърузачиси ва Кембриж Форумининг Марказий Осиё бўйича илмий тадқиқотчиси (Буюк Британия).

<sup>2</sup> ЎзР Президенти Ислон Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: 2014.

## Хулоса

Буюк қомусшунос Абу Алн ибн Сино номи дунё фани ва маданияти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Унинг ижодий фаолиятн жуда хилма-хил ва ранг-барангдир. Аллома ўз давридаги мавжуд бўлган ҳамма фанларда ҳам салмоқли из қолдирган. Ибн Сино дунёда, биринчи навбатда, буюк табиб сифатида машҳур бўлгани билан бирга олимлар наздида буюк файласуф сифатида ҳам ҳурматлидир. Унинг инсонга, биринчи навбатда, амалий жиҳатдан зарур бўлган тиббий асарлари олим номини дастлаб бутун дунёга таратди ва уни ўчмасликка олиб келди. Ибн Сино табибгина бўлиб қолмасдан, у ўз даврининг буюк мутафаккири, кейинги асрлар фани, адабиётига салмоқли таъсир кўрсата олган буюк сиймо эди. Унинг аниқ фан соҳаларидаги асарлари ҳамда фалсафа ва адабиёт бобидаги катта хизматлари ҳақли равишда уни жаҳон фани ва маданиятнинг ажойиб бир намояндаси дейишга асос беради. Унинг фалсафий-эстетик ғоя ва қарашлари жаҳон маданияти эришган ютуқлар қаторига кирди. Ибн Сино ижодидаги ажойиб хусусиятлардан бири шуки, у асарларида ўз даврининг жуда кўп илғор ғояларини кўринарли акс эттира олди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган беқиёс ислоҳотлар жараёнида инсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, бой меросини чуқур ўрганиш, улардан халқимизни баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўрта асрларда яшаб ўтган, илм-фаннинг барча йўналишлари, хусусан, табобат назарияси ва амалиёти ривожига юксак ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино ана шундай аждодларимиздан биридир. Бу йил унинг таваллудига 1035 йил тўлади. Шу муносабат билан алломанинг илмий ва ижодий меросини кенг тадқиқ қилиш, асарларидан халқимизни янада кенгроқ баҳраманд этиш юзасидан амалга оширилаётган илмий ва амалий лойиҳалар кўлами кенгаймоқда.

Абу Али Ибн Синонинг бизга қолдирдан улкан асарлари орқали ҳали ҳам изланишлар давом этмоқда. Олимнинг яратган асарлари ўша даврда хатто ҳозирда олтин мерос сифатида улуғланади ҳамда қадрланади. Олим ўзининг ҳаёти давомида тўплаган билимлари ҳаракатлари заминидатиббиёт соҳасига оид 30 дан ортиқ асарлар яратган. Араб тилида яратилган 5 китобдан иборат бўлган «Тиб конунлари» асари Ибн Синонинг тиббиётга оид асосий асари ҳисобланади. Олимнинг ушбу мероси дарслик ва қўлланма сифатида қимматини 500 йилдан ортиқроқ вақтгача сақлаб қолди.

Олимнинг асари хатто XX асрнинг ўзидатиб турли тилларда 36 марта нашр қилинган. Олим фақат бир йўналишда иш олиб бормаганига гувоҳ бўламиз. У кимё, астрономия, минералогия (маъданиятшунослик), мусика, тиббиёт ва бошқа соҳаларда улкан асарлар яратган ва биз ундан фойдаланиб келмоқдамиз. Ибн Сино психологияга ҳам катта эътибор берган олимдир. Унинг илмий меросини ўрганишда эса шуни курсатадики, буюк мутафаккир психологияга доир масалалар билан кўпроқ қизиқан ва махсус асарлар ёзиб қолдирган. Ибн Сино ҳам Шарқда ўрта аср шароитида психологияга доир масалаларни системалаштириб, асарлар ёзган. Шунинг учун ҳам биз Ибн Синони ўрта аср Шарқида психологияга асос солган олим деб бемалол айта оламиз. Олим тиб назарияси, хусусан, анатомиянинг мукамал билимдони ҳисобланади. Унинг баъзи қасаликларга ташхис қўйиш усули ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ўзбекистон Республика ва жаҳон миқёсида Абу Али Ибн Сино номи абадийлаштириш ва унинг бой илмий меросини ўрганиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинди. Ибн Сино номи билан кўплаб жойлар номлана бошлади. Олимнинг ҳайкали Ўзбекистон Республикасининг турли жойларида Бухоро шаҳри, Афшона қишлоғи, Тошкентда ўрнатилган. Хорижда ҳам мавжуд бўлиб, Душанба, Анқара, Рига шаҳарларида ҳайкаллари қад росланганини гувоҳи бўламиз.

Алломанинг Ўзбекистон ҳамда Тожикистондаги кўплаб тиббий олий ўрта билим юртларига шифохоналар Бухоро вилояти кутубхонаси ва маданият Саройига, турли мактаб, кўчалар ва ширкат хўжаликларига, Тошкентдаги тураржой мавзеларига Абу Али Ибн Синонинг номи берилган. Унинг номи билан аталувчи кўчалар ҳам мавжуд.

2014 йил 15-16 май кунлари Призидентимиз Ислам Каримовнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларнинг тарихий унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти мавзусидаги халқаро конференциясидаги маърузасида Шарқ оламида яшаб ижод этган аллома ва мутафаккирлар, Ибн Синонинг илмий мероси чуқур таҳлил қилиниб, замонавий цивилизация ривождаги ўрнига муносиб баҳо берилди. Абу Али ибн Синонинг илмий мероси битмас туганмас хазинадир. Унга мурожаат этган сари оламни ва одамни янада чуқурроқ идрок этамиз. Инсонга ато этилган бемисл ақл ва заковат куч қудрат яратувчилик салоҳиятининг янгидан янги қирралари намоён бўлаверади. Бундай кашфиётлар инсониятни комиллик сари етаклайди, ҳаёт давомийлигини ва келажак авлодлар камол топишига улкан хизмат қилади. Алломанинг ҳаёти давомида яратган улкан ва нодир асарлари неча йиллар ўтган бўлса ҳам бутун дунё нигоҳида Ибн Синонинг ҳаёт йўли ва бизга қолдирдан асарлари тақсинга сазовардир.



Уйғониш даври миниатюра ва суратларида Ибн Сино машхур қадимги юнон олимлари билан бир қаторда тасвирланиши



XVI аср миниатюраси. Ибн Сино баландликда ўтириб ўз талабаларига дарс бериши.


М. Мейергоф коллекцияси.

The Legacy of Islam. Oxford. 1931. китобида босилган







«Китоб ал – Қонун фи-т-тиб»  
 («Тиб қонунлари») арабча нусхасининг саҳифалари



«Китоб ал – Қонун фи-т-тиб»  
 («Тиб қонунлари») лотинча нусхаси



**1954 йилда Ибн Сино қабрининг очилиши ва олимнинг бош суягини Антрополог М.М. Герасимов томонидан реконструкция қилиниши асосида ишланган портрет**



**Ибн Сино (рассом С.Марфин асари, 1968)**



**Афшона тиббиёт коллежида ўрнатилган Абу Али ибн Сино ҳайкали**



**Бухоро шаҳри  
Абу Али Ибн Сино ҳайкали**



**Анқара шаҳри  
Абу Али Ибн Сино ҳайкали**



**Душанба шаҳри  
Абу Али Ибн Сино ҳайкали**




**Абу Али Ибн Сино ҳайкал - бюсти  
(Душанба шаҳри миллий  
кутубхонасида)**



Ибн Синонинг ҳайкал - бюсти (1965)



Тоҷикистон Республикаси пул бирлиги – «Сомони»да Ибн Сино тасвири



**Ҳамадон шаҳридаги Ибн Сино мақбарасининг  
ташқи ва ички кўриниши**



**Ибн Сино музейи. Бухоро шаҳрининг Пешку тумани,  
Афшона қишлоғи**

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: 2014.
5. Абу Али ибн Сино таржимаи ҳоли / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. – Т.: Фан, 1980.
6. Абу Али Ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Мақолалар тўплами. –Т.: Фан, 1980.
7. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 жилд. –Т.: 1992.
8. Абу Али Ибн Сина. Канон врачебной науки. -Т.: Издательство медицинской литературы им. Абу Али ибн Сины, 1996.
9. Абу Али ибн Сино. Саломатлик сирлари. Тиббий рисола. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2000.
10. Абу Али ибн Сино (рисола) / А. Отахўжаев; лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир Қ.К. Ражабов. -Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашр., 2011.
11. Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. Икки томлик. Т.1. –Т.: Ўқитувчи, 1986.
12. Гадоев К. Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар: Буюк географ тадқиқотчилар ва сайёҳлар ҳақида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
13. Дж. Неру. Открытие Индии. –М.: 1956.
14. Закуев А.Қ. Бахмаёрнинг фалсафий қарашлари. -Боку: 1958.
15. Ибн Сино портрети / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1957.

16. Ибн Сино // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. –Т.: ЎзМЭ, 2002. –Б.53-59.
17. Ирисов А., Носироа А. ва Низомиддинов Н. Ўрта Осиёлик қирқ олим. –Т.: Ўзфанакаднашр, 1961.
18. Ирисов А. Ибн Сино - маърифатпарвар адиб. –Т.: 1962.
19. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) // Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.М. Хайруллаев/. - Тўлдирилган қайта нашр., - Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001.
20. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида. –Т.: Ўқитувчи, 1967.
21. Тиб қонунлари. 1-5 китоблар (2-нашри). –Т.: 1979-1983.
22. Уржуза ёки 1326 байт тиббий ўғит. -Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 1999.
23. Хоразм Маъмун академияси (Хорезмская академия Маъмуна). Китоб-альбом. Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган. –Т.: Шарқ, 2005.
24. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 / Mas'ul muharrir: A. Sagdullayev. – Т.: Sharq, 2010.
25. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003.
26. Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи фанидан маъруза матнлари / Тузувчи: Тангинова Х. /. –Урганч: 2003.
27. O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; mas'ul muharrir S. Inoyatov. –Т.: Sharq, 2013.
28. Қодиров А. Абу Али ибн Сино. –Т.: Ўздавнашр, 1953.
29. Қодиров А. Абу Али ибн Сино. Қайта ишланган 2-нашри. –Т.: Ўздавмеднашр, 1962.

30. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. Қисқача маълумотнома / Масъул муҳаррир Н. Иброҳимов. / -Т.: Шарқ, 2005.

### **Internet материаллари**

1. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Ибн\\_Сина](https://ru.wikipedia.org/wiki/Ибн_Сина)
2. <http://uz.ferlibrary.uz/abu-ali-ibn-sino>
3. <http://orbita.uz/ibn-sino>
4. <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qollanmalar/tasavvuf-nazariyasi-tarixi/877-qollanma.html?start=12>
5. <http://e-tarix.uz/shaxslar/140-ibn-sina.html>
6. <http://www.gglit.uz/blog/2013/08/абу-али-ибн-синонинг-адабий-меросидан/>
7. <http://buxdti.uz/tematik/tematik1/sino/sino21.htm>
8. <http://kh-davron.uz/kutubxona/rivoyatlar/abu-ali-ibn-sino-zafarnomadan-hikmatlar.html>
9. <http://uza.uz/oz/society/ibn-sino-merosi-beba-o-khazina-09-03-2015>
10. <http://www.manzaratourism.com/ru/uzbekistan/avicenna-memorial-museum#pictures>